Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
24 сон
14 — 20 июн, 2007 йил



# ШИЖОАТЛИ АЁЛ, ДЕЙДИЛАР УНИ...

**«Тадбиркор аёл» ассоциацияси Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Мавжуда Мирбаратова билан суҳбат.**

**- Мавжуда опа, асли мутахассислигингиз нима?**

- Тўқимачилик енгил саноат институтини тугатганман. Йигирма беш йил фабрикада ишладим. Оддий ишчидан бош муҳандисликкача кўтарилдим. Касбий меҳнат билан бирга корхонада ташкилотчилик ишларини ҳам олиб борардим.

**- Тадбиркорликни қачондан бошлагансиз?**

- Мустақиллигимизнинг илк дамлариданоқ, дастлабки фаолиятимни 10 та тикув машинаси билан бошлаганман. Фабрикамизда ишлар сустлашгандан кейин ишчилар ўрнини қисқартириш бошланди. Шунда мен ўз қадрдонларимни ёнимга олдим. Секин-аста кичиккина корхонамизни кенгайтириб бордик.

**- Айтинг-чи аёл тадбиркор бўлиши учун ишни қандай бошлаши керак?**

- Аввало ўз ҳуқуқини билиши керак, агар тадбиркор ўз ҳуқуқини билмаса "синади". Биз бу борада тез-тез семинарлар ўтказиб турамиз. Йўл кўрсатамиз, маслаҳатлар берамиз. Бир эшикни тақиллатишдан олдин мақсадингни аниқлаб ол, деймиз аёлларга. Кейин унинг тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланганини маъқуллигини ўрганамиз. Баъзан тикувчилик билан шуғулланмоқчи бўлиб келган аёл: " Ҳатто тугма қадашни ҳам ёқтирмайман", дейди. Унда қандай қилиб иш олиб борасиз деган саволимга: "Ўзим тикмайман, ишчиларни ишлатаман", деб жавоб беради. Шунда мен унга, "Ҳар қанақа ишни аввало ўзинг пухта билсанггина тадбиркорлик бўлади. Ўзинг билмасанг ишчининг маҳсулоти сифатлими, йўқми тушунмайсан-ку. Унга ўрнак бўлиб ўргатолмасанг тадбиркорлик ривожланмайди. Тадбиркорлик бошида туриб буйруқ бериш билан эмас, меҳр билан ёндошиб амалга оширилади. Агар тугма қадашни ҳам ёқтирмасанг, яхшиси товуқ боқиб паррандачилик билан шуғуллан", - деб йўналиш бераман. Йўналишни бергандан кейин жойини бориб кўрамиз. Шароитни тўғрилашга ёрдам берамиз. Жўжага иссиқ жой қилишидан тортиб, тухумни қаерга олиб бориб сотишигача ўргатамиз. Бир сўз билан айтганда биз аёлга балиқ тутиб бермаймиз, балки тутишни ўргатамиз. Чунки балиқни қанча тутиб берманг, бир куни адо бўлади, аммо у ўзи тутишни ўрганса ҳар доим балиғи бўлади.

**- "Омад" кредит уюшмасини ҳам ташкил қилибсизлар. Шунга эҳтиёж бормиди?**

- Ҳа, аёллар билан суҳбатлашганимда улар баъзи ҳолларда қиз чиқазишга, ёки бирор кичик корхона очишга, соғлиғини тиклашга маблағ томонидан қийналиб қолишаётганларини англардим. Шунда муқим йўналишга тушиб олган тадбиркорларимизни жалб қилиб кредит беришни йўлга қўйдик. Бундан ҳозир анчагина оилалар манфаат кўришди.

**- Ходимларингиз сизни ўзларига энг яқин инсон сифатида билишаркан.**

- Қизларимнинг кўзига қараб ҳолатини билиб оламан. Ҳаёт бу. Ҳамманинг ҳам муаммолари бўлади. Бири етишмовчиликдан сиқилса, бирини эри тушунмайди, яна бирини фарзанди гапига кирмайди. Шунда уларга далда бўлишга, йўл кўрсатишга уринаман. "Сочингни, кийинишингни, муомалангни доим чиройли қил. "Йўқдан бор қилиб" мазали овқатлар тайёрла, эрингга доим эътиборли бўл. Чунки вақти келса эркак боладан ҳам инжиқ бўлади, рўзғор ташвиши деб дам олишни ҳам унутма", деяман. Қанча-қанча оилаларни яраштириб юборамиз.

**- Оилаларни яраштириш ҳам савоб. Лекин ажримлар ҳам борлигини тан олишимиз керак. Бунга нима сабаб бўлаётгани ҳақида гапира оласизми?**

- Биз фарзандларимизни меҳнатга ўргатишимиз керак. Чет элларда бўлганимда тўй-маросимларда қатнашиб қолардик. Хеч қанақа ортиқча дабдаба, исрофгарчилик бўлмасди. Мана ҳозир ўзимиз ҳам ана шундай ҳолатларга етиб боряпмиз. Ёшларни тежамкорликка ўргатиш керак. Агар унга ҳамма нарсани етказиб берсангиз, ҳаёти зерикарли бўлиб қолади. Кейин бўшлиқ пайдо бўлиб, хунук ишларга қўл уриши мумкин.

**- "Зарина" фирмасига ҳам бошчилик қиларкансиз, фаолиятидан аёллар манфаатдорми?**

- Албатта, фирмамиз вилоятда пиллани қайта ишлаш билан шуғулланадиган ягона корхона. Пилла -бу тилла, унинг ҳатто чиқиндисидан ҳам фойдаланса бўлади. Яқинда 28 миллионлик грантни қўлга киритдик. Бу дегани яна ишчи ўринлари кенгаяди. Оилалар ҳаётига барака киради.

**- Мавжуда опа, ҳаёт тажрибасига эга аёл сифатида бахт ҳақидаги тушунчангизни билмоқчи эдим?**

- Икки ўғлим, бир қизим, елкадош умр йўлдошим бор. Ўғилларимнинг бири талаба, бири мусиқа шайдоси. Қизим эса оддий сомондан турли шакллар тайёрлашга қизиқади. Уларнинг ташвишу қувончлари мен учун бахт. Бизнинг фаолиятимиз туфайли маънавиятли, интилувчан аёллар сафи ошиб бораётгани ҳам мен учун бахт.

***Тадбиркорлик давр талаби***

**- Аёл ҳаётда юқори даражага етиши учун нима қилиши керак?**

- Инсон иродали бўлиши керак. Йиқилиш, сурилиш мумкин, аммо чекинмаслик керак. Билимли бўлиш, ота-боболаримиз ҳаёт йўлини ўрганиш лозим. Кейин меҳнат, ҳаракатдан эринмаслик керак. Мен нимагаки эришган бўлсам меҳнатимни орқасидан эришдим. Ахир оддий бир тикувчи аёлнинг қизи эдим.

**- Сизнинг саховатингиз туфайли қанча-қанча кўнгиллар малҳам топганини эшитдик.**

- Инсон яхшилик қилиб яшаши керак. Балки сизнинг бир оғиз яхши гапингиз, озгина ёрдам ёки эътиборингиз бир инсоннинг бир умрлик ҳаёти учун аҳамиятлидир. Тўрт-бешта ногирон хотин-қизларни йиғиб, тадбиркорликка йўналтирганимизда уларнинг ҳаётида бир илинж пайдо бўлганидан, иш билан овуниб ўз ҳолатларини бироз унутганларидан қувондим. Гулистон шаҳрининг бир қанча жойларига кўчат экдик, бир куни катта боғ бўлишидан умидворман. Айтаверсам мақтаниш бўлар, лекин бу ишларни қилиб ҳузурланаман.

**- Мавжуда опа, шижоатингиз асло сўнмасин. Юртимизнинг сиз каби фидойи аёллари кўпаяверсин.**

Матлуба ШУКУРОВА

# УЧ ЮЗ ШОГИРД УСТОЗИ

*"Қўлларига игна ушлаган аёлнинг қўллари дўзах ўтида куймагай".*

**"Аёллар ҳикмати" китобидан.**



Аёллар учун энг керакли, савобли ҳунар чеварчиликдир. Бу ҳунарни эгаллаган киши аввало чиройли, бежирим тиккан либослари билан мижозлар кўнглини олса, қолаверса, шу касби орқали ҳалол сармоя топиб, рўзғорга кут-барака киритади. Қорасув шаҳридаги "Уч тегирмон" маҳалласида яшовчи Саломхон Азбарова ҳам қўлигул чевар сифатида кўпчиликка танилган. У билан учрашиб, мўъжазгина суҳбат уюштирдик.

**- Чеварчилик билан қачондан бери шуғулланасиз?**

- Ҳали ўқувчилик давримдаёқ ўзимча у-бу нарсаларни тикиб юрардим. Оилада тўнғич фарзанд бўлганим боис отам Сотволди ака (худо раҳматига олган бўлсин), онам Мунисхон аялар: "Қиз бола учун энг яхши ҳунар - чеварлик", - дея чевар бўлишимни хоҳлашарди. Шу-шу чеварчиликка меҳр қўйиб, шу касбни эгалладим. Турмушга чиққач, қайнонам Ходияхон ая ҳам (илоҳо, охиратлари обод бўлсин) чевар экан, кўп нарсаларни у кишидан ўргандим.

Шукр, чевар бўлиб элга танилдим. Ўтган қарийб йигирма йил давомида уч юзга яқин ёшларга касбимни ўргатишга эришдим. Ҳозир ҳам 20 нафар шогирдим бор. "Одинабону" фирмасини очиб, фаолият юритиб келаяпмиз. Фирмамизда тўрт чевар меҳнат қилади. Келиним Нигорахон ҳам ёнимга кириб қолган.

**- Нималар тикасизлар?**

- Қиз-жувонлар кийимлари, келинчаклар либослари, кўйлаклар, халатлар, кўрпа-тўшаклар, болишлар, эркаклар учун шимлар тикяпмиз. Пойтахтимиздаги "Машҳура" фирмасида 3 ой ўқиб, малака ошириб келганимдан бери элита пардалари тикиш, бисер-(нозик) қадаш, пишириқлар пишириш, зардўзлик каби ишларни ҳам шогирдларимга ўргата бошладим.

**- Тиккан маҳсулотларингизнинг сотуви қандай?**

- Асосан уйдан олиб кетишади. Бозорда ҳам сотамиз. Баъзилар аввалдан буюртма беришади.

**- Фаолиятингизда кўпроқ нималарга эътибор қаратасиз?**

- Чеварлик ҳам санъат. Турли либос-хоҳ у кўйлак бўлсин, хоҳ шим, тикувчидан маҳорат, сабр-тоқат изланишни талаб этади. Ҳар қандай касбнинг ўзига яраша машаққати ва роҳати бўлади. Бизда ҳам шундай. Мижозларимиз кўп. Уларни аввало яхши кутиб олиб, истаги, дидига мос фасонда либослар тикиб беришга ҳаракат қиламан. Буни шогирдларимга ҳам уқтираман.

**- "Ташаббус" кўрик-танловида иштирок этиб келасиз. Шу ҳақда нима дейсиз?**

- Тадбиркор ва ҳунармандинг элга танилишида, меҳнатининг холис баҳоланишида, қадрланишида бу танловнинг аҳамияти катта. 2002 йилдан бери "Ташаббус"да қатнашиб келаман. Кўрик-танловнинг шаҳар, туман, вилоят босқичларида турли номинациялар бўйича бир неча маротаба фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо мукофотларни қўлга киритдим. Ҳунармандчиликка кенг йўл очилганидан бениҳоя хурсандман.

**- Оилангизни фаолиятингиздаги ўрни қандай?**

- Умр йўлдошим Тоҳиржон ака билан аҳил оила қуриб, беш ўғилли бўлдик. Ҳозир уч келинимиз, олти набирамиз бор. Шу даражага етишимда Тоҳиржон акамнинг хизматлари катта. Негаки, у киши мени ҳар томонлама тушуниб, қўллаб-қувватлаб, барча шароитларни яратиб беряпти.

***Қўлигул чевар Саломхон опа хонадонидан қайтар эканмиз, келгусидаги ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини, янада изланиб, интилиб, янгиликлар яратиб элга хизмат қилишини тиладик.***

**Оловиддин ДАДАХОНОВ,**
**"Қорасув тонги" газетаси ходими,**
**Андижон вилояти.**

# ХАЙРИЯ КОНЦЕРТЛАРИ

*Ахборот*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси ташаббуси билан Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалиловнинг катта хайрия концертлари бўлиб ўтди. Унда фаол аёллар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари, фахрий аёллар, талаба ёшлар ва бошқалар таклиф этилдилар.

**Ўз мухбиримиз**

Қонун ва биз

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ— СУД ҲИМОЯСИДА

Л.М. ўзи ишлайдиган «Тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига қатнайвериб, оёқлари толди. Унга болалари учун нафақа пулини бу сафар ҳам бермадилар. «Сабр қилиб туринг», дейишди. Ахир қачонгача сабр қилиш мумкин?

Аёл мазкур корхонада беш йилдан буён меҳнат қилади. 2004 йил август ойидан эътиборан у бола парвариши таътилига чиқди. Дастлаб корхона унга тегишли бўлган пулларни ўз вақтида тўлаб турди. Лекин нима бўлди-ю, 2005 йил август ойидан бошлаб бола парвариши учун тўланадиган нафақа пулини бирданига тўламай қўйишди. Л.М.нинг корхонадан олиши керак бўлган пули эса оз эмас, накд 190.800 сўмни ташкил этар эди...



Аёлнинг қонунни билган таниш-билишлари унга судга мурожаат қилиш ҳақида маслаҳат беришди. Л.М. худди шундай қилди. У давлат божини тўлади, малакали ҳуқуқшуносга унинг ҳаққини тўлаб, керакли маслаҳатларни олди. Шунингдек, ҳархил «чоп-чоп» учун транспортга ҳам анчамунча чиқимдор бўлишига тўғри келди.

2006 йилнинг 15 декабр куни Л.М.нинг даъво аризаси Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида кўриб чиқилди. Суд Л.М.нинг даъволари асосли эканлигини тан олди ва жавобгарнинг вакили бир неча бор тегишли тартибда чақиртирилишига қарамай, судга келмаган бўлса-да, сиртдан қарор чиқарди. Суд қарорига кўра, «Тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан Л.М.га 190.800 сўм бола парвариши учун нафақа пули, шунингдек, аёлнинг юқорида айтиб ўтилган бошқа харажатлари учун 6.210 сўм қўшимча пул ундириш белгиланди.

Адолат қарор топди. Лекин бу ҳолат баъзи бир мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

Халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳақида гап кетар экан, жамиятимизнинг тенг ярмини ташкил этган аёллар ҳақ-ҳуқуқлари ва уларни суд орқали муҳофаза қилиш масаласи нақадар муҳим эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўймоқда. Бу борада ҳам суд органлари томонидан кўзга кўринарли, яна ҳам аниқроқ айтсак, намуна бўлса арзийдиган ишлар олиб борилаяпти.

Мисолларга мурожаат қиламиз. 2006 йилнинг 17 январ куни Миробод туман молия бўлими томонидан тадбиркор М.Л.ни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Аёл ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга нечоғлик уринмасин, молия бўлими ходимлари ўз билганларидан қолмадилар. Улар М.Л.га нисбатан тўпланган ҳужжатларни жиноят ишлари бўйича Миробод туман судига оширдилар. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди М.Л.ни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган деб топди. Шундан сўнг М.Л. суд қароридан норози бўлиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига мурожаат қилди. Шаҳар суди ишни пухта ўрганиб чиқиб, М.Л.нинг хатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўхтатилди. Энди аёл ўз инсоний қадр-қиммати, азият чекканлиги хусусида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига мурожаат қилди. Суд Миробод туман молия бўлимидан М.Л. фойдасига 100.000 сўм маънавий зарарни ундириши ҳақида қарор чиқарди. Қарор қонуний кучга кирди.

...Ҳамза туманида истиқомат қилаётган Е.Д. 2006 йил 9 апрел куни кечки пайт уйига келиб, ажабтовур воқеанинг гувоҳи бўлди. У яшайдиган хонадоннинг қулфи ўзгартириб қўйилган ва у ерга энди вояга етмаган қизи билан кира олмас эди. Аёл билан эрининг ўртасига кўпдан бери совуқчилик тушган эди. Улар деярли бирга яшамасдилар. Е.Д. ҳеч нарса дея олмай, қўлида боласи билан ота-онасининг уйига боришдан ўзга чора тополмади. Кўп ўтмай эса у фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига мурожаат қилди.

Суд масалани атрофлича ўрганиб чиққач, даъвогар Е.Д.нинг жавобгарлар Л.Е. ҳамда П.Е.га нисбатан бўлган даъвосини қаноатлантириш, она ва болани улар рўйхатда турган хонадонга киритиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилди.

Мазкур мақоланинг ёзилиши жараёнида аёллар ҳақ-ҳуқуқининг бузилишига доир яна бир иш кўриб чиқилди.

У ҳам номи юқорида тилга олиб ўтганимиз «Тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамияти хусусида. Бу сафар жамият болалари учун олиши керак бўлган нафақанинг бермаётганлиги ҳақида М.Ж. даъво аризаси билан мурожаат қилган. Маълум бўлдики, жамият бу аёлнинг ҳам 190.800 сўм пулини 2005 йил Ноябр ойидан бери бермай келаётган экан.

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб чиқиб, «Тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан М.Ж. фойдасига 190.800 сўм нафақа пули, 6.210 сўм давлат божи, шунингдек ҳуқуқшунос хизмати учун тўланган 30.000 сўм - жами 227.010 сўм ундириб бериш ҳақида қарор чиқарди.

Бу ўринда ҳам адолат қарор топди.

Мақоланинг сўнгида бир мулоҳазали фикрни ўртага ташламоқчи эдим.

Хорижий давлатларнинг кўпчилигида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида оммавий ахборот воситалари кучидан самарали равишда фойдаланилади. Жумладан, телевидение, радио, вақтли матбуот саҳифаларида малакали мутахассислар қонунчилик борасидаги у ёки бу масаланинг қай тарзда ҳал этилганлигини аниқ мисоллар ёрдамида ёритиб берадилар. Бизда ҳам бу амалиёт мавжуд бўлиб, лекин ҳали етарли даражада эмас.

***Биз фуқароларни, айниқса, аёлларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, қонун кучидан унумли фойдаланишга чақирамиз. Халқимизда: «Қарс икки қўлдан» деган гап бор. Сиз ўз ҳуқуқингиз учун курашаверинг, мабодо, ҳақ бўлсангиз, суд сизни албатта ҳимоя қилиб олади.***

**Ш. АХАТОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг судъяси.**

# СУРХОННИНГ ЖАЖЖИ ГЎЗАЛИ



Ҳаётимизда миллат келажаги оналар қўлида тарбия топади, деган ҳақиқат мавжуд.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жисмонан соғлиги ва маънавий жиҳатдан баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган улкан миқёсли ишлар замирида ана шу буюк эътироф ётади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб истеъдодларни излаб топиш баҳонасида ҳар йили ёздан баҳоргача истеъдодлар изланади, кашф этилади, тарбияланади. Сир эмаски, номзодлар орасига тасодифан кириб қолганлари, Низом талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдиганлари ҳам учраб туради. Тўғри-да, Зулфия номидаги шундай улуғ мукофотга муносиб номзодни излаб топиш ва тарбиялаш осон иш эмас. Муносибларни болаликдан, оиладан, боғча гуруҳларида, мактаб парталарида саралаш ва тарбиялаш лозим.

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси ана шу мақсадда мактабгача тарбия муассасалари орасида "Сурхоннинг жажжи гўзали", ўрта махсус ўқув юртлари орасида "Оқила қиз" кўрик-танловларини жорий этди. Икки йилдан буён аввал қуйи туман босқичларида, сўнг вилоят босқичида ўтказилаётган бу кўрик-танловлар кўплаб истеъдодларни кашф этмоқда. "Сурхоннинг жажжи гўзали" кўрик-танловида иштирок этган қизалоқлар инсонни фақат ташқи қиёфа ва гўзал кийим-бош эмас, балки теран ақл, бийрон тил, топағонлик, чаққонлик, меҳр ва оқибатлилик фазилатлари безашини англаб етишади. Бу гўзаллар эртанинг оқила қизларидир. Оқила қизлар эса эртанинг оқила оналари, аёллари, бекалари, Зулфиянинг муносиб издошларидир.

Вилоят қўғирчоқ театрида "Сурхоннинг жажжи гўзали" кўрик танловининг навбатдаги якуний вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлардан ташриф буюрган ғолибликка номзодлар нафақат томошабинлар қалбида, балки ўзлари билан келган мураббийлар, ота-оналари қалбида ҳам чексиз ифтихор туйғусини уйғотди. Қизлар ижросидаги бадиий саҳналар, уларнинг қўли билан чизилган суратлар, ёш вужудларида уфуриб турган одоб ва аҳлоқ, ҳаётга, билимга ташналик томошабинлар қалбида ўчмас таассуротлар уйғотди.

- Хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти бутун ижтимоий ҳаётимизни ўз ичига олаётган бир пайтда, албатта мактабгача таълим муассасаларидаги болажонларимиз ҳаёти, маънавий дунёлари ҳам бу саъй-ҳаракатлардан четда қолиши мумкин эмас, - дейди кўрик-танлов ҳақида ўз фикрини билдирар экан, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.У.Қобулова. - Шунинг учун биз ишимизни аввало болалар боғчаларидан бошлашга қарор қилдик ва шу ниятда ўтган йилдан бошлаб боғча тарбияланувчилари ўртасида "Сурхоннинг жажжи гўзали" кўрик-танловини ташкил этдик. У дастлаб маҳаллалар, туманлар миқёсида ўтказилади, сўнг эса вилоят миқёсида якуний босқичи бўлиб ўтади... Маълумки, гўзаллик туйғусини биз жуда кенг маънода идрок қиламиз. Аввало одоб-аҳлоқ, маънавият, маърифатлилик, маданиятлилик, миллий қадриятлар ва урф-одатларни билиш ҳамда эъзозлаш каби бу юксак тушунчалар жажжи қизалоқларимиз учун яна бир бор гўзалликнинг бу бетакрор бўстонлари узра ажиб сайр ташкил қилиниб, уларнинг онгида гўзаллик тушунчалари болажонларимизга хос бадиий усуллар ёрдамида шакллантирилади...

Жажжи гўзалларнинг танлов шартлари бўйича ўз зукколикларини намойиш этишдаги маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Қизалоқларнинг изланувчанликлари кўнгилларда катта умид юлдузи бўлиб порлади. Термиз шаҳри мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Фарангиз Обидова "Сурхоннинг жажжи гўзали" дея эътироф этилди.

**Норбўта ЭРГАШЕВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

# НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан яқинда Тошкент шаҳридаги УЯ-64/7 сонли хотин-қизлар колониясида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда ёш эстрада хонандалари, Миробод тумани маданият уйи жамоаси томонидан концерт қўйилди. Шунингдек, тадбирда маҳкума аёллар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, югуриш каби турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт вазирлиги, Республика Яккакураш Федерацияси, Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида эркин ва яккакураш бўйича курашчи қизлар ўртасида "Машриқзамин маликаси - 2007" Республика кўрик-танлови ўтказилди.

Мусобақа ғолиблари энг олий ўрин "Машриқзамин маликаси - 2007" ҳамда "Энг қатъиятли иштирокчи", "Энг назокатли иштирокчи", "Энг латофатли иштирокчи", "Энг жозибали иштирокчи", "Энг мухлислар меҳрини қозонган иштирокчи", "Энг матонатли иштирокчи" каби номинациялари бўйича тақдирландилар.

**Ўз мухбиримиз**

# ТАМАКИ ЧЕКИШ-КОНИ ЗАРАР

Тамаки чекиш - унга қул бўлиш, десак, адашмаган бўламиз. Яна аниқроғи - ўз хоҳишимиз билан қул бўламиз. Ваҳоланки, у дўстимиз эмас, ашаддий душманимиз эканлигини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Кўпчилик одамлардан нега чека бошлаганларини сўраганимда, ўзлари ҳам буни билмасликлари мени шу хулосага олиб келди.

Қорин барча жонзотни ҳаракат қилишга мажбур қилади. Чунки, қорин жонзот учун зарур бўлган қувват ҳосил қилишга хизмат қилади. Чекиш нимага хизмат қилади? Бу ҳақда Саъдий Шерозий шундай мисраларни битган:

***Қулоқлар умр бўйи эшитмаса ҳам бўлғай,***
***На чилдирма овозин, на чангу, на танбур, най.***
***Кўз тияди ўзини, кўрмаса боғу бўстонлар.***
***Димоғ чидар искамай, гулу жамбул, райҳонлар.***
***Бўлмаса ҳам ёстиқлар тўла момиқ пар,***
***Тош қўйиб бош остига уйқуга тўйса бўлар.***
***Аммо бу ҳунари йўқ, ярамас қорин қурғур***
***Сабр нима сезмайди, чидам нима билмайдир…***

Ҳеч бир замонда унинг фойдаси ҳақида мадҳ қилиб ёзилган бирорта ҳам мисра битилмаган.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар унга қарши аёвсиз жанг бошлаб юборишган. Ислом дини кенг тарқала бошлаганидаёқ тамаки чекишни ман қилган. Хўш, чекишдан қандай қутулиш мумкин?

Чекишни камайтириб бориб, ундан қутулиш мумкинми? Бу — ўз-ўзини қийнашдан бошқа нарса эмас. Менимча, доим хумор азобида бўлгандан кўра, азоблироқ бўлса ҳам, чекишдан бир йўла қутулиш яхшироқ.

“Ҳаётда бирор кимсани ниманидир қилишга ундашнинг яккаю ягона усули бор, - деган эди Дейли Карнеги, “Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин” китобида. - Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ҳа, фақат ягона усули бор. «Бу - одамда уни бажариш истагини уйғотиш»...

Эслаб қолинг, бошқа усули йўқ.

Бир кишига тўппонча ўқталиб, сизга соатини беришга мажбур қилиш мумкин, албатта. Ишдан бўйин товлаганида, ишдан бўшатиб юборишни пўписа қилиб, хизматчини ишлашга мажбур қилиш мумкин. Болани сиз истаган ишни қилишга қамчи ёки зўравонлик билан мажбур қилиш мумкин. Аммо бу қўпол усуллар салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Сизни бирор иш қилишга ундайдиган ягона усул - бу, сиз истаган нарсани сизга беришдир. Сиз нимани истардингиз?”

Сиз чекишдан халос бўлишни истайсиз. Аниқроғи буни бажариш механизмини билиб олиб, уни амалда қўллаб, чекишдан бир маънода озод бўлмоқчисиз. Дўстдан озод бўлиш истаги бўлмаса керак. Фақат душманингиздан озод бўлиш истаги бўлади. Демак, чекиш сизнинг ашаддий душманингизу, сиз ундан бир умр қутулмоқчисиз. Буни компьютерга ёзиб қўйгани каби, хотирангизга киритиб, уни доим эслаб, ёдингизда тутишингиз шарт. Шу йўл билан мустаҳкам иродага эга бўласиз. Бу ҳаммага ҳам қўлланишли, чунки, душманга шафқатли бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Энди фақат сабр-тоқат, ирода лозим бўлади. Душманингизни доим хотирангизда, компьютерда сақлагандек, сақласангиз, аллоҳдан ва душманингиз бўлмиш—кашандаликдан озод этишини сўрасангиз, сабрли ҳам бўласиз. Бу ёғини вақтнинг ўзи ҳал қилади.

“Чекишдан қутулишнинг йўл-йўриғини айтаяпсиз-ку, аммо ўзингиз ҳам шу ишни қилиб кўрганмисиз?”- деб сўрашингиз табиий. Ҳа, чекканман, ўзим кашф этган қоидага амал қилиб, бу балодан қутулганман.

Бир куни балконда чекаётганимда, икки яшар ўғлим ҳам олдимда ўралашиб юрган эди. Сигаретнинг қолдиғини ахлат челагига отиб юборсам, у челакка эмас, полга тушди. Ўғлим уни олиб, мен каби чекмоқчи бўлганини кўрдим. Дарҳол унинг қўлидан олиб, ёмон эканлигини тушунтириб, қолдиқни челакка солдим. Бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. Ўғлим буни оғзига ҳам олмаслигини Оллоҳдан сўраб, ўзим ҳам чекишни ташлашга аҳд қилдим. Бунинг учун сигаретани ўзимга ашаддий душманим, деб эълон қилдим. Сотилаётган тамакини ёки бирор киши чекаётганини кўрсам, уни ашаддий душманимдек ичимдан сўкиб қўярдим.

Тўрт йил ўтгач, Бурун тоғга сафарга бордим. У ерда шахмат мусобақаси бошланаётган экан. Мен ҳам мусобақада қатнаша бошладим. Ишонасизми, шахматни яхши ўйнашимга қарамай, чекиш хумор қилиб, ҳамма ўйинларни ютқазиб қўйдим. Тўрт йил ўтганига қарамай ҳамон чекиш балосидан қутулмаган эканман!

Янаги йил, яъни чекишни ташлаганимдан беш йил ўтгач, яна Бурун тоғга бориш насиб қилди. Борсам, шахмат мусобақаси арафасига етиб келган эканман, яна мусобақада қатнашдим. Ўйинларни, роҳат қилиб ўйнаб, бирин-кетин юта бошладим. Ҳатто биринчи даражали шахмат ўйинчиларини ҳам мағлубиятга учратишга муяссар бўлдим. Демак, чекиш балосидан қутулиш учун менга беш йил керак бўлибди. Сигарет чекиш хумори мутлоқ йўқолибди. Чекканларга бефарқ қарайдиган бўлибман. Ҳатто, чекаётганлардан келаётган тутун ҳидига ғашим келадиган бўлиб қолибди. Чекувчилардан папирос ташлайдиган идишнинг ҳиди келишини билиб, “хотиним бечора илгари бунга қандай чидаган экан”, деган фикр хаёлимдан ўтди. Тепаликка бемалол чиқадиган, чопганимда нафасим сиқмайдиган бўлди. Ўзимни бахтли ҳис қилиб, оллоҳга шукроналаримни ҳали ҳам айтиб юраман. Шуни ҳам айтиб қўяйки, чекишни ташлаганда иштаҳангиз жуда ҳам очилиб кетади. Семириб кетмаслик учун одам ўзини кўп овқат ейишдан, айниқса, нондан камида бир ой мобайнида тийиб юриши лозим.





Мактабни тамомлагач, ўғлимнинг синфдошлари улфатчилик қилишга келишиб олибдилар. Ўғлим бунга розилигимни сўраганида, икки шартим борлигини айтдим. Чекмаслик ва ичмаслик одатини умрбод сақлашни буюрдим. Агар ўртоқлари ичида ўғлимга: “Эркакмисан, ўзи? На чекасан, на ичасан”, дегувчилар чиқиб қолса, нима деб жавоб бериши лозимлигини тушунтирдим. Бу иллатлар эркак одамнинг эркаклик ҳисларини қирқилишига олиб келишини ҳам айтиб қўйишини тайинлаб қўйдим. Оллоҳдан астойдил сўраган эканман, ўғлим ичишни ҳам, чекишни ҳам тотиб кўрмадиям.

“Ойига эллик минг сўминг ҳамёнингда қолаяпти, умрингни қисқартиришга уринмаяпсан”, - деб ҳазил қилиб қўяман. Кейинлар ҳам оллоҳ уни бу иллатлардан ўзи сақласин.

**ШУКУР ОТА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод тумани.**

**МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.**

Гарчи чекиш ичимликлар ичишга нисбатан социал жиҳатдан ҳавфсизроқ ҳисобланса-да, жуда кенг тарқалган зарарли одатдир. Бахтга қарши, чекувчилар жуда кўпчиликни ташкил қилар экан: эркаклар, аёллар, кексалар, ўсмирлар - аҳолининг барча табақалари орасида чекувчиларни кўп учратиш мумкин. Лекин чекувчиларнинг деярли ҳаммаси бу “маданий заҳар” организмга қанчалик ҳалокатли таъсир этишини тўла тасаввур қилмайдилар.

Жамоатчилик ҳам бу зарарли одатни жуда кам муҳокама қилади ёки бунга бутунлай эътибор бермайди. Аслида чекиш ҳам наркомания (гиёҳвандлик) касаллигининг бир тури ҳисобланаркан.

Мутахассисларнинг илмий кузатишларига қараганда, чекадиган одам салга толиқаркан, иш суръати, сифати ва меҳнат самарадорлиги пасайиб кетаркан.

Санаторий-курортларда ва бошқа шифохоналарда даволанаётган бемор чекишни давом эттирса, даво муолажаларининг ҳеч қандай нафи бўлмайди.

Аёллар, болалар ва ўсмирларнинг организми турли хил заҳарлар, айниқса никотин таъсирига нисбатан ўта сезгир бўлади, шу боис чекиш улар организми учун айниқса зарарлидир. Чекадиган ўқувчиларнинг хотираси сусаяди, бирор нарсага диққат қилолмайди, ланж, дангаса бўлади, буларнинг ҳаммаси дарсларни яхши ўзлаштира олмасликка олиб келади.

Чекишга нима сабаб бўлади? Олимлар келтирган маълумотларга кўра, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар севимли ўқитувчисига, ўзидан катта акасига, дадасига жуда тақлид қилади. Ўсмир болаларда эса бошқа сабаблар биринчи ўринда туради: модадан ортда қолмасликка интилиш, озишга ҳаракат қилиш (айниқса қизлар учун). Худди шу ёшдаги болаларда кайфият беқарорлиги, ўзини кўрсатишга интилиш, атрофдагилардан устунликка эришиш истаги, уйдаги ва мактабдаги тартибларни ёқтирмаслик ҳолатлари кузатилади. Мактаб ўқувчилари ўртасида “ҳокимлик” ва “тобелик” муносабатлари вужудга келиб, натижада гуруҳ бўлиб чекиш аста-секинлик билан одат тусига кириб қолади. Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўпчилик болалар чекишни ана шу ёшда (11-14 ёшда) бошлашлари тасодифий эмас экан.

Қиссадан ҳисса шуки, тамаки чекиш чекувчининг ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам, келажак наслга ҳам кони зарар.

## ДИҚҚАТ!

**Биологик жиҳатдан қараганда,** асосан рак касаллиги ва томирлар склерози билан чекиш ўртасида узвий боғланиш аниқланган. Чекувчининг “стажи” қанчалик кўп бўлса, унинг атеросклероз билан касалланиш эҳтимоли суткасига ортади.

**Психологик жиҳатдан қараганда,** инсон хотирасининг ашаддий душмани никотин бўлиб, у алкоголь билан қўшилса, бундан баттарроқ бўлади.

**Гигиеник жиҳатдан қараганда,** чекувчи ўз организмини заҳарлашдан ташқари, атроф-муҳитни ҳам заҳарлайди. Чекмайдиган кишилар соғлиги учун тамаки тутуни чекадиганларга нисбатан хавфлироқдир.

**Эстетик жиҳатдан қараганда,** чекадиган одамдан қўланса ҳид келиб туради. Аммо, чекувчиларнинг аксарияти бу ёмон ҳидни сезмайдилар, чунки уларнинг ҳид билиш аъзолари бунга мослашиб қолган бўлади.

**Иқтисодий жиҳатдан қараганда,** агар чекувчи кунига ўртача 20 донадан сигарета чекадиган бўлса, бир ойда, сўнгра бир йилда унга кетадиган харажатни ҳисоблаб кўринг. Демак, кашанданинг ҳамёнига жуда катта иқтисодий зарар етар экан.

**Омонулла АБДУСАЛОМОВ,**
**Андижон Давлат Тиббиёт институти ассистенти.**

## Чекишни ташлагандан сўнг...



**20 ДАҚИҚА ЎТГАЧ,** танангиздаги қон босими пасаяди.

**8 СОАТ ЎТГАЧ,** қон таркибидаги миоксид углерод чекмайдиганларники билан тенглашади.

**48 СОАТ ЎТГАЧ,** таъм билиш ва ҳид сезиш яхшиланади.

**1 ОЙ ВА 9 ОЙ ЎТГАЧ,** бурун битиши, йўтал, чарчоқ, бўғилиш ва бошқалар аста-секин йўқолади.

**БИР ЙИЛ ЎТГАЧ,** юрак-томир хасталикларига чалиниш хавфи чекувчиларга қараганда икки баравар камаяди.

**БЕШ-ОЛТИ ЙИЛ ЎТГАЧ,** юрак хуружига (инфаркт) йўлиқиш сигарета чекмаганларникидек ҳолатда бўлади.

# ТУН ЯРМИДАГИ ВОҚЕА...



- Янгийўлда яшайман. Оилам бор эди... Ҳозир эса якка-ёлғизман... Икки йил аввал оила аъзоларимиз билан тўйдан келаётиб автоҳалокатга учрадик. Оқибатда эса... Эрим, икки ўғлим, бир келиним жароҳат олишиб, кўп ўтмай вафот этишди. Тақдир экан, йиғлай-йиғлай маъракаларни ўтказдим. Аслида ота-онамнинг ёлғиз фарзанди эдим, - дея сўз бошлади қўнғироқ қилаётган аёл. У ўзини Зарифа, дея таништирди. Сўнг сўзини давом эттира бошлади:

- Данғиллама уйимдаги сукунат гоҳо ютиб юборар, ақлдан озишимга сал қолай, дерди. Бир танишимнинг маслаҳати билан бир куни «Меҳрибонлик» уйидан бола асраб олиш учун бордим. Бу ҳам осон иш эмас экан. Бир дунё ҳужжатлар йиғиш, ҳужжат ҳам майли-ю, аммо бадастир оила бўлиши шарт, дейишди. Ёлғиз инсон фарзанд ҳам ололмас экан. Хафа бўлиб, автобусда паришон бўлиб келаётсам бир аёл билан гаплашиб қолдим. Унинг ёнида ҳомиладор жувон ҳам бор эди.

## Қўнғироқларингиз...

Мен ҳаётимни аёлга айтиб бердим. У ачинди. Кейин : «Мен ҳам ёлғизман. Манзилингизни айтинг, ёки мен ўзимникини берай, иккимиз опа-сингил бўлиб қолайлик»,-деди.

**- Танимаган аёлга манзилингизни бердингизми?**

- Нима қилай? Дардимни айтадиган бир инсон бўлмаса... Бердим, телефонимни ҳам ёзиб олишди.

Орадан уч ой ўтди. Ярим тунда дарвозам тақиллади. Ўзим қўрқадиган бўлиб қолганман, денг! Қандай қилиб ўрнимдан сакраб туриб кетганимни билмай қолдим. Дағ-дағ титрайман. Охири дарвозахонамиз устидаги болахонага чиқиб, «Ким у?» - деб сўрадим.

Ҳеч ким овоз бермади. Итим ўзини дарвозага уриб, сакраб вовиллайверади. Ҳаммаёқнинг чироғини ёқиб, дарвозанинг илгагини туширдим. Итимни секин олдимга ўтқазиб, дарвозани очдим.

Ҳовлининг чироғи кўчага тушди. Қарасам...

Оёғимнинг остида оппоқ одеялга ўралган бир нарса ётибди. Итим бориб уни тумшуғи билан туртганди, чириллаб йиғлаган овоз чиқди. Шошиб кўтариб олдим, дарвозани ёпишни ҳам унутиб супага келиб ҳалиги нарсани очдим. У оппоққина чақалоқ экан. Қизми, ўғилми билмайман.

**- Кейин нима қилдингиз?**

- Кўчага югуриб чиқиб атрофни қарадим. Ҳеч ким кўринмади. Кейин болани уйга олиб кириб йўргагини очдим. Лўмбиллаган, ширингина бола ўғил экан. Олиб бағримга босганимни билмай қолибман. У тинмай йиғларди. Яхшиямки сут бор эди, ўшани олиб иситиб, докага ботириб сўрғичдек оғзига солдим. Бола бироз тамшаниб, ухлаб қолди. Мен эса эрталабгача мижжа қоқмай, болани кўтариб ўтирдим.

**- Милицияга хабар қилмадингизми?**

- Ҳеч кимга буни айтганим йўқ. Эрталаб яна қолган сутни докага солиб сўрдирдим-да, болахонада асбоблари билан турган ўғилларимнинг бешигини олиб тушдим. Болани бешикка белаб қўйдим. У ухлаб қолгач, бозорчага югурдим. Бориб зарур маҳсулотларни ва сут олиб келдим. Болалар овқатини олишни ҳам унутмадим. Келсам бола чинқириб ётган экан. Мен бўлсам сўрғич олишни унутибман. Қўлимдаги нарсаларни ташлаб, яна ортимга қайтдим. Дорихонадан шишага кийдириладиган катта сўрғичдан тўрттасини сотиб олдим-да. уйга келдим. Йиғлайвериб ҳиқиллаб қолган болагинага шишада сут бердим. Қорни тўйгач яна ухлаб қолди. Мен қолган юмушларимни бажаришга тушдим. Қарасам хиргойи қила бошлабман. Ҳаётимга мазмун кирганди. Елиб-югуриб кун қандай ўтганини ҳам билмай қолдим.

**- Ахир у бола кимники, нега сизга ташлаб кетган, буни ўйламадингизми?**

- Ўйлагим келмади. Мен бола асрамоқчи эдим. Оллоҳнинг ўзи етказди, - деб ўйладим. Бу ишни ким қилганлигини сезгандек бўлдим. Булар ўша мен автобусда кўрган аёл ва унинг ёнидаги жувоннинг иши бўлса керак. Чунки бошқа биронта инсонга бола асраб олмоқчи эканлигимни айтмагандим.

**- Аммо, бир куни келиб уни сиздан тортиб олишлари ҳам мумкин-ку!**

- Гапингиз тўғри. Бир ой бўлди, уйимни сотиб бошқа жойдан уй олдим. Чунки ким бўлса ҳам бир куни уйимга келиши, болани тортиб олиши мумкин. Шунинг учун оддийгина, кўп қаватли уйлардан ўзимга уй сотиб олдим. Энди уйимни ўша, мен шубҳаланаётган кимсалар топа олишмайди.

**- Бу воқеага кўп бўлдими?**

- Икки ойдан ошди. Мен болага ўрганиб қолдим. Уни бировга бериш ниятим йўқ. Сизларга қўнғироқ қилишдан мақсадим уни асраб олишга ёрдам бериш йўлларини айтсангиз... Мабодо болани ҳужжатсиз, ўз боламдек ўстирсам-чи? Шундай қилсам бўлмайдими?

***Гап шу ерга етганда телефон алоқаси тўхтади.***

***Агар гапимиз давом этганида мен унга шундай деган бўлардим:***

***Зарифа опа, бир гўдакни асраб олиб савоб иш қилибсиз. Лекин бола мушукча ёки жўжа эмас-ку!. Болани эртасигаёқ милиция ходимларига олиб бориб беришингиз керак эди. Агар истасангиз қонун йўли билан ҳужжатлаштириб, ўз фамилиянгизни берганингизда тўғри иш қилган бўлардингиз.***

***Ҳозирча эса... Болани қанчалик севманг, меҳр қўйманг ҳужжатсиз уни вояга етказа олмайсиз, улғайтирсангиз ҳам келажагини чигаллаштириб юбориб, уни бахтсиз қилиб қўясиз. Келажакда унга албатта ҳужжатлари керак бўлади. Ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаб кўриш учун вақтингиз бор. Биз эса тўғри қарорга келишингизга ишонамиз.***

**ГУЛБАШАКАР**

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# АВВАЛ ЎЗИНГИЗНИ СЎРОҚ ҚИЛИНГ



- Мен меҳр-оқибатнинг йўқолиб кетаётгани ҳақида гапирмоқчиман, - дейди ўрта ёшли аёл ўзини Малоҳат деб таништиргач ака укани билмаса, бола онани қадрламаса, оқибат нима бўлади? Ҳар гал ота-онамникига борганимда юрагим сиқилиб қайтаман. Онам билан отам кексамиз демасдан мол-ҳол, неваралар ташвиши билан яшашади. Иккита укам бор. Аввал каттаси, яқинда эса кичиги ҳам рўзғорларини бўлак қилиб чиқиб кетишди. Билмайман, ота-онамнинг уларга нима оғирлиги тушади. Пенсия пулларини невараларга ишлатишади. Ҳамма гап келинларда-да, шулар укаларимни йўлдан урган. Акам тадбиркор, кўпам уйида бўлмай, шаҳарма-шаҳар юради. Аммо уйига келганида ҳам хотинига, болаларига тўлиб-тошиб совғалар олиб келаркану ота-онамни бир бор келиб кўрмасмиш. Хотини эса болалари бувиси билан бобосиникига келса уларни ураркан. Укамнинг топганини хотини ўз ота-онасиникига бериб юбораркану, эримнинг ҳам кекса ота-онаси бор, деб хаёлига ҳам келтирмас экан. Яқинда борсам онам шўрлик бетоб бўлиб қолибди. Иссиқ кунда ҳовлида ўт ўрган экан қон босими ошиб йиқилиб тушибди. Ҳолидан хабар оладиган одам топилмабди. Анчадан кейин қўшни кириб қолиб атрофдагиларни чақирибди. Кейин менга хабар келди. Узоққа тушганман, етиб боришим қийин. Қўни-қўшнилар укаларимни, келинларимни айблашди. Жаҳл устида укаларимнинг уйига бориб уриш қилдим. Катта укам ўзининг болалари катта бўлиб қолганини, уларнинг муаммоси ўзига етишини айтиб, менга ўдағайлади, кичиги ота-онамнинг инжиқликларидан безор бўлганини айтиб бақирди. Катта келин: "Уйда кичик ўғил қолиши керак. Ўз вақтида қайнонам шу келинининг тарафини олиб, менинг дилимни оғритганди, ана энди ўша яхши кўрган келини қарасин", деди. Кичигига гапирсам: "Сиз бизга гапиришга ҳаққингиз йўқ, ўзингизни билинг", деди. Кейин аламимни кўз ёшимдан олиб йиғладим. Йиғлаганда ҳам қарғаб йиғладим. Илоё ота-онамнинг ёшига етманглар, болаларингдан қайтсин, деб қарғадим.

**- Кичик келин, "ўзингизни билинг", - деб айтибди. У нимани назарда тутган экан?**

- Менинг қайнонам қайнсинглимникида яшайди. Шуни менинг юзимга солди. Ахир бунинг турли сабаблари бор.

**- Қанақа сабаблари?**

- Биз ҳам иккита келинмиз. Овсиним эрини қўлтиқлаб шаҳарда яшашга кетиб қолган. Қайнонам биз билан турар эди. Уларнинг феъли менинг онамга ўхшаб юмшоқ бўлса экан, чидасанг. Эрталабдан -кечгача кўнгли тусаган овқатини қилдиради. Бир иш қилиш у ёқда турсин, ўғлини, мени, болаларимни тергагани-тергаган. Ахири ўғлининг жонига тегди. Анча вақтгача онаси билан гаплашмай қўйди. "Касал бўлиб қолдим", деб ётиб олдилар, «сахрлари» ошиб кетганмиш. Мен ишда, эрим ишда, болалар мактабда. Қарайдиган одам бўлмагандан кейин қизиникига кетиб қолди. Бу ҳам эски гап, ҳозир келиб -кетиб туради.

- Ҳа, гап бу ёқда денг. Сиз қайнонангизни ёмон, онангизни яхши деяпсиз. Ҳамманинг онаси ўзига яхши. Қайнонангиз учун куёвникида сиғинди бўлиб яшаш осон эмасдир. Ҳозир онангизга ачинган жонингиз ўша пайтда ачинмадими? Эрингизнинг ўз онасига гапирмай қўйиши яхшимиди? Ҳеч замонда ўз онасига ҳам араз қиладими одам. Она учун бу жуда катта зарба бўлганини сиз билмагансиз ҳам. Шу сиқилишлар онаизорни «сахр» қилгани аниқ. Аксинча сиз эрингизни онаси билан яраштирганингизда, кўнглига йўл топганингизда у аёл ҳеч қачон кетиб қолмасди. Онангизга укаларингиз совғалар қилмаслиги ҳақида гапирдингиз, аммо сиз ўзингиз қайнонангиз учун нима қилиб қўйгансиз?

- Қайнсинглимнинг эри яхши топади, ҳеч нарсага зориқтирмайди.

**- Тўғри, зор эмасдир. Аммо она учун куёвнинг тўкин-сочин дастурхонидаги ноз-неъматлардан кўра ўғил уйидаги бир бурда ноннинг мазаси бошқача бўлади. Шуни эсдан чиқарманг.**

Қайтар дунё, дейдилар. Ҳали ҳам қайнонангизни уйингизга олиб келинг. Эрингизни жигарлари билан иноқ бўлишга ундаң. Буни кўриб қайнонангизнинг дили равшан тортади. Зора шунда укаларингиз, келинларингиз инсофга келса. Энг муҳими болаларингизнинг қалбида бувисига нисбатан меҳр уйғотинг. Токи улар ҳам эртага сизнинг хатоингизни такрорламасин. Ахир вақти келиб сиз ҳам қайнона бўласиз.

***Бу гаплардан кейин аёл мулзам тортти-да, хайрлашиб чиқиб кетди.***

***Азиз ўқувчим, сизнинг ҳам бу аёлга айтар сўзингиз бордир. Хатларингизни кутамиз.***

**Матлуба ШУКУРОВА**




**“Завжам руҳига мактублар” март-апрел ойлари**

**ЭСЛАТМА: Завжаи муҳтарамам, тасодифий фожеа туфайли сендан айрилиб қолдим. Кексарганда ёстиқдошингдан жудо бўлиш оғир экан. Начора. Сенга хаёлан мактублар ёзиб, дилим дардларига чора излайман...**

**Муаллиф: Азимжон Қосимов**

# ҚАРИГАНДА ҲАМДАРД КЕРАК

Деярли икки ой давомида ҳурматли олим Азимжон Қосимовнинг “Завжам руҳига мактублар”ини оиламиз билан қизиқиб ўқиб бордик. Яшириб нима қилдим, тўғриси ўша кунлари “Оила ва жамият” газетасини қўлга олишим билан биринчи бўлиб “Завжам руҳига мактублар”ни ўқиб, кейин қолган бошқа саҳифаларини ўқишга киришардим. Ҳатто ишхонамизда ҳам ҳамкасбларим билан ушбу хат мавзуси тўғрисида баҳслашган, фикрлашган кунларимиз кўп бўлди.

Бизни шундай ўйлашга, фикрлашга ундаган, бахслашувларимизга туртки бўлган, қўйингки ҳар ҳафтада газета келишини интизорлик билан кутиб, қўлма-қўл қилиб ўқишимизга сабаб бўлган самимий дил изҳорлари, юракдан битилган мактублари учун ҳурматли домламизга чин юракдан раҳмат айтмоқчиман.

Ҳаётда мана шундай садоқатли инсонларнинг борлиги, завжаси ҳурматини, хотирасини азиз тутиб келаётгани қалбимга тасалли беради. Ҳа, ҳурматли Азимжон ака, сизнинг бу мактубларингиз ҳаёт дарси бўлиб, ёшларга жуда кўп нарсаларни ўргатади. Сўнгги 35-мактубингизда ёзганингиздек, балки вақти келиб мактубларингизни яна давом эттирарсиз. Балки ўшанда яна дил изҳорларингизнинг давомини ўқиш бизларга насиб қилар.

Сиз каби беғубор инсонлар, оиласига, аёлига бир умр вафодор, садоқатли эркаклар кўпайишини яратгандан сўрайман. Лекин мактубларни ўқиш давомида, айниқса 31-мактубда ёзилганидек, қалбнинг тақсимланишини истамаслигингиз мени анча ўйлантириб қуйди. Очиғи, қўш хотинликка мен ҳам тиш-тирноғим билан қаршиман. Сиз мактубингизда тўғри таъкидлаганингиздек, қўш хотинликнинг орқасидан келиб чиқадиган муаммолари кўп. Лекин мен бу борада эмас, бошқа бир масалада сизнинг ва муҳтарам газетхонларнинг фикрларини билмоқчи эдим.

Динимизда: “Ёлғизлик Оллоҳга хос”, дейилган. Бундан ташқари ўлганнинг ортидан ўлиб бўлмаса... Ахир ҳаёт давом этади-ку! Кимнингдир хотини, кимнингдир эри ўлади. Бу ҳаёт қонуни.

Дарҳақиқат, эр-хотинлар бир-бирларининг хотираси билан яшаганига нима етсин. Бу борада сизнинг фикрларингизга қўшиламан. Аммо хотира бошқа, ҳаёт бошқа. Сиздай яхши эрлар, эрларига вафодор хотинлар турмуш ўртоқлари вафотларидан кейин қайта турмуш қурмайман, биринчи хотинимга, биринчи эримга содиқ бўлиб қоламан, деб қайта турмуш қуришга рози бўлишмаса, ахир бу динимизга ҳам, одамийликка ҳам тўғри келмайди-ку. Таҳририятга ҳаётда ўз жуфтини топиш ниятида мурожаат қилаётган кексаларнинг кўплиги ҳам юқоридаги фикрларимни тасдиқламайдими? Наҳотки ўшаларнинг барчаси биринчи турмушларига садоқатсиз бўлишса? Қариганда ўз жуфтидан айрилган кексалар дардини тинглаган инсон бу хусусда ўзгача фикр юритиши аниқ.

Тўғри, мен сиздан анча ёшман. Шунинг учун сизга маслаҳат бериш ниятидан йироқман. Лекин бу борада сизнинг фикрларингиз мени қизиқтиради. Бева эркакларни уйлантиришга, бева аёлларга эр топишга, хуллас икки ўксик қалбни бирлаштиришга ҳаракат қилаётган инсонлар, наҳотки ҳаммалари тўйда ош ейишу, сарупо кийиш илинжида бўлса? Кампиридан айрилган ёши катта инсонлар билан суҳбатлашсангиз: “Эй, қариганда хор қилмасин экан. Қиз ҳам, ўғил ҳам аёлнинг ўрнини босолмайди”, - деган гапларни кўп эшитамиз. Узоққа бормайлик, раҳматли қайнотам кампири қазосидан кейин жуда чўкиб қолди. Қайнонам жуда яхши аёл бўлганлар (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин). Бир-бирларига жуда мос, бир-бирларисиз тура олишмас эди. Лекин ўлим ҳақ. Қайнонам қазосидан кейин қайнотам ўзини жуда ёлғиз сеза бошлади. Раҳматли бақувват, полвон одам бўлганлар. Ўлганида врачлар юраги жудаям бақувват экан, дейишган. Агар кексаларнинг айтиши бўйича (кейинчалик ўзимиз ҳам бунга ишонч ҳосил қилдик,бизга армон бўлиб қолди) вақтида диёнатли, художўй бир кампир топиб уйлантириб қўйганимизда, балки яна анча йиллар яшаб юрган бўлармиди (яна Оллоҳ ўзи билгувчи). Фарзандлари у кишини уйлантиришга роса ҳаракат қилишди. Аммо уддасидан чиқишолмади. Сабаби, бева кампирлар кўп, лекин иккинчи турмуш қуришни хохловчи йўқ. Қай бирига борманг, олаётган нафақам яшашимга етиб турибди, қариганда битта бошимга ташвиш орттириб нима қиламан, дейишади. Лекин бу мусулмончиликдан эмас-ку. Аёлдир, эркакдир қариганда ёш боладек бўлиб қоларкан. Уларга эса эътибор, суянчиқ, ҳамдард керак.

“Оила ва жамият” газетасининг 2006 йил 18-сонида берилган “Кексаларнинг қалбини тингланг” номли мақолада шундай бир ибратли ривоят келтирилади: Саҳобаларимиздан бири узоқ вақт жон топшира олмай ётганида, пайғамбаримизга: “Эй, расулуллоҳ, мени никоҳлаб қўймасангиз, шундай азобда ётавераман”, деган экан. Шунда пайғамбаримиз бир бева аёл билан у инсонни никоҳлаб қўйибди ва бемор жон берибди. Ўшандан кейин жуфтлашиб яшаш суннат бўлиб қолган экан”.

Ҳурматли Азимжон ака! Сизнинг завжангиз руҳига мактубларингиз баҳона анчадан бери дилимга тугилиб юрган ўй-фикрларимни қоғозга туширдим. Сизнинг оилангизга, завжангиз хотирасига ҳурматингизни қадрлаган ҳолда пайғамбаримиз биз умматларига жуфтлашиб яшашимизни суннат қилган эканлар, мен илгари сурган масалада сизнинг ва газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари мени қизиқтиради.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**Бектемир тумани.**

**“Мени боқишинг керак” - 49-сон, 2006-йил.**

**ЭСЛАТМА: Шифокорликка ўқиб кеч турмушга чиқдим. Эрим ишламайди. Боламни уйда қолдириб ишга чиқдим. Эрим билан ажрашдик. У икки марта уйланиб ажрашгач, тез-тез уйимга келиб ўғлимни кўрадиган бўлди. Ярашай десам... Қачонгача уни боқаман?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

# ЙИГИТДА ҒУРУР БЎЛСИН!

Аввало ҳар бир йигит уйланишдан олдин бироз мулоҳаза юритиб кўриши керак назаримда.

- Мен уйлансам, оилани боқишга, фарзанд кўрсам уларни кийинтириш, тарбиялашга лаёқатим етадими йўқми? Ахир ота-онам мени уйлантираяпти. Тўйдан сўнг, куда-андалар, элу авлодларим, дўстларим келади. Улар олдида дастурхон ёза олармиканман? Турмуш ўртоғим ва авлодларим олдида шарманда бўлиб қолмайманми?, - деган гапларни ўйлаб олиши керак эди.

Назаримда ҳозирги кунларда Муқаддасхоннинг турмуш ўртоғига ўхшаган эркаклар кўпайгандек.

Мени бир нарса ташвишга солади. Ота-оналаримиз бизларни ёшликдан меҳнат қилишга ўргатишган эди. 7-8 синфда ўқиган пайтларимизда дарсдан сўнг онамиз қаторида туриб далада ишлардик. Уч ойлик таътилда ҳам турли дала юмушларида онамизга ёрдам берардик.

Ўзим ҳам мактабда ишлаб, ҳам ўқидим. Бўш пайтларимда эса дурадгор отамга ёрдамлашганман. Уйландим, бола-чақали бўлдим. Янги уй қуриш учун ғишт қуйдим. Меҳнатдан қочмадим. Албатта турмуш ўртоғим ҳам ёрдам берди. Бировдан қарз олмай, ўз меҳнатим билан ҳам оилани боқдим, ҳам иморатларимни битказдим.

Қадрли ёшлар. Меҳнатни севинг, ёшликдан бирор ҳунарни эгалланг. Ота-онангизнинг қадрига етинг. Турмуш ўртоғингизни, болангизни кўчада сарсон қилманг.

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани**

# САВОБТАЛАБ ИНСОН КЎПАЯВЕРСИН!

**“Ўшанда Наврўз эди”, 12-сон**

**ЭСЛАТМА: Машинанинг овозидан ўзимга келиб қарасам, йўлнинг ўртасида турибман. Шофёрнинг важоҳатини кўриб йиғлай бошладим ва контракт пулини ўғирлатганим учун хаёлим жойида эмаслигини айтдим. Шунда у орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ётоқхонамга анчагина пул ташлаб кетибди...**

**Муаллиф: Матлуба.**



Мақоладагига ўхшаш бир воқеа ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Рўза ойи эди. Неварам Элдоржон Қўқон шаҳар бозоридаги озиқ-овқат дўконига ишга кирди. Яхши бир инсоннинг ёрдами билан неварамни уйладик. У тўйнинг баъзи ҳаражатларига ёрдам берди. Неварам иш ҳақи олиб, тўйига деб олинган қарзларини оз-оздан узди. Бу орада уйимиз ҳам таъмирдан чиқди. Бу ишларда албатта мурувватли инсон-Собиржон ҳожи ака ва ўғли Соҳибжонларнинг катта ҳиссалари бор. Бундай олийжаноб инсонлардан миннатдор бўлмай бўладими?!

Ёз ойларининг бирида нима бўлди-ю, неварам дўконда икки юз минг сўм пулни ўғирлатиб қўйди. Лекин Собиржон ака ҳеч нарса демадилар. Бир оғиз “Пулни топиб бер”, деб ҳам айтмадилар. Аммо биз улардан хижолат бўлдик. Ўғилларим ҳаракат қилишиб, қарзни тўлашди. Неварам эса уялганидан ишга қайтиб бормади. Бундан хабар топган Собиржон Ҳожи ака ўғиллари Соҳибжон ва қудалари Фарҳоджон ака билан уйимизга келишиб, қўлимизга икки юз минг сўм пул, 1 кг гўшт, 6 дона нон, яна у-бу майда-чуйда олиб, бизни йўқлаб кетишди. Бу меҳр-мурувватли инсонлардан хурсанд бўлмай бўладими? Қани энди ана шундай ҳалол-покиза, мурувватли инсонлар сафи кўпаяверса...

Ҳар бир савоб Оллоҳнинг дафтарига ёзилар экан-ку. Ажаб эмас, булар ҳам Оллоҳнинг дафтарига ёзилган бўлса...

Бир ривоятда ҳикоя қилинишича, икки одам вафот этишибди. Уларни фаришталар Оллоҳ ҳузурига олиб бориб: “Мана бу инсон эртаю кеч намоз ўқиган, жаннатга олиб кирамиз. Иккинчиси намоз ўқимаган, буни дўзахга олиб кирамиз”, дейишибди. Шунда Оллоҳ намозхон одам савоб иш қилмаганлиги сабабли дўзахга, намоз ўқимаган одамнинг ҳаёти савоб иш қилиш билан ўтганлиги сабабли жаннатга киритишни буюрибди. Шундай экан, ҳар бир инсон савоб иш қилиб туриши керак экан.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**КУМУШ опа!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Яқинларингиз.

**Ҳурматли Мая ПАРПИЕВА!**

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Холмат, Надя, Мансур, Мадина.



**Дилбар ЭСАНАЛИЕВА!**

Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Сизга чинор каби узоқ умр, осмон каби беғуборлик, булоқ каби тиниқлик тилаб қоламиз.

Ҳамкасбларингиз.

**Дилфуза ҒУЛОМОВА!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлсин. Кўнглингиз тоғ каби юксалиб, қувонч ва шодлик ҳамроҳингиз бўлсин.

Яқинларингиз.



**ВАЗИРА хола!**

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Доимо иззату эъзозда, роҳату фароғатда, ҳузур ҳаловатда яшашингизни тилаб қоламиз.

Жиянингиз Дилфуза ва синглингиз Раҳима.

**Онажоним ЗАҲРОХОН!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Бахтли кунларимизни кўриш сизга насиб этсин. Соғ бўлинг.

Ўғлингиз Султонмурод



**Азиз ҳамкасбимиз НИГОРАОЙ ва УМИДАБОНУ!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин! Бахтингизга кўз тегмасин! Умрингиз узоқ ва сермазмун бўлсин! Яхшилар ва яхшиликлар ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳамкасбларингиз Роза ва Шоҳиста

**Адажонимиз Тўрабек МАҲМУДОВ!**

Сиз азизимизни таваллуд кунингиз билан табриклаймиз! Бахтимизга соғ-омон бўлинг, узоқ умр кўринг. Бахтимиздан қувониб бахтингиз зиёда бўлиб юринг!

Қизингиз Муҳайёхон.

**Онажоним Ирис ШАРАФИДДИНОВА!**

Сизни туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Соғ-омон бўлинг. Ёшингизга ёш қўшилсин. Оиламизга бош бўлиб юринг!

Фарзандларингиз номидан Улуғбек. Чимкент вилояти, Туркистон шаҳри.

# ДАМ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

*Аёллар учун тест*

*Аёл бичиш-тикиш, овқат пишириш, дазмол босиш ва бошқа юмушлар билан бирга дам олишни ҳам билиши керак. Қуйидаги тест аёлларимизга дам олишни қанчалик эплашларини аниқлаб олишларида ёрдам беради.*

**1. Меҳнат таътилини қандай ўтказасиз?**

а) Мириқиб ухлайман ва тўйиб-тўйиб овқатланаман-10 балл;

б) Томорқада ишлайман-5 балл;

в) Сайрга, дам олишга чиқаман-1 балл.

**2. Уйингизга тез-тез меҳмон келиб турадими?**

а) Ҳафтасига бир-икки марта-1 балл;

б) Охирги марта қачон меҳмон келганини эслолмайман-10 балл;

в) Йилига бир марта, туғилган кунимда келишади-5 балл.

**3. Миллионер бўлиб қолсангиз, нима қилардингиз?**

а) Пулларимни банкка қўярдим-10 балл;

б) Чет элга дам олишга борардим-1 балл;

в) Дўкон айланиб харидлар қилардим-5 балл.

**4. Совуқ қиш кунида фарзандингиз сайрга чиқайлик, деб қолса нима қиласиз?**

а) У билан сайрга чиқаман-1 балл;

б) Ўзини кўчага чиқариб юбораман-5 балл;

в) Кўча совуқлигини айтиб, чиқармайман-10 балл.

**5. Бўш вақтингизда нима ўқийсиз?**

а) Бадиий, пазандалик ва боғдорчиликка оид китоблар-5 балл;

б) Иш қоғозларимни-10 балл;

в) Дуч келган нарсани-1 балл.

**5-15 балл.** Сиз бир жойда ўтиролмайсиз. Ҳар доим хаёлингизда сайру саёҳат бўлади. Ишсиз ўтиришни ҳам жинингиз суймайди. Уйингиздан меҳмон аримайди, уларнинг кўнглини овлаб чарчамайсиз.

**16-30 балл.** Сиз дам олиш деганда томорқада ёки дала-ҳовлига чиқиб ишлашни, бош ўрай бошлаган карамларингиз, шиғил мева солган олмаларингизга қараб завқланишни тушунасиз. Ҳар ҳолда бу бекор ётгандан кўра яхшироқ. Аммо баъзи-баъзида дам олгани у ёқ-бу ёққа ҳам бориб туриш зарур.

**31-50 балл.** Сизнинг "энг яхши дўстларингиз" диван ва телевизор. Дам олишнинг бундай шакли сизга куч беришига ишончингиз комилми? Тезда турмуш тарзини ўзгартириш керак. Кино ва театрларга бориб турсангиз, зарар қилмайди.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ИЛОНЛИ УЙ ВОҚЕАСИ

*туш таъбирномаси*

Уй олиш учун анчадан буён пул йиғардик. Пулимиз битта чоғроқ уйга етадиган бўлганда уй сотиш учун осилган эълонларни ўқий бошладик. Бекатдаги бир эълон менинг диққатимни тортди.

Ҳар эҳтимолга қарши уйнинг телефон рақамларини ёзиб олдим-да, келиб эримга кўрсатдим. Шу куни уй эгалари билан қўнғироқлашиб, учрашишга келишиб олдик. Шаҳардан сал четроқдаги бир уй экан. Эртасигаёқ бориб кўрдик. Уй тепалик ёнига қурилган бўлиб, атрофида тошлар уюлиб ётарди. Хуллас, шинамгина, катта-катта хоналари бор бу уй менга ҳам, эримга ҳам жуда маъқул бўлди. Нархи ҳам унчалик қиммат эмаслиги эса бизни қувонтирди. Лекин уй эгаси шундоқ уйни нега арзон сотаётганлиги қизиқ эди.

Биз маслаҳатлашиб яна келадиган бўлдик. Шу куни уйга хурсанд бўлиб кириб боргандик. Кейин эса юрагим ғаш бўла бошлади.

Шу куни эрим иккимиз бир хил туш кўрибмиз. Тушимизга қайнотам раҳматлик кирганмиш. У биз сотиб олмоқчи бўлган уйнинг ҳовлисида турарди. Унинг оёқларига эса турли узунликда кесилган ола-була арқон бўлаклари ўраб қўйилганмиш.

Биз бориб арқон бўлакларини олиб ташламоқчи бўлсак, улар қайнотамнинг оёқларига янада маҳкамроқ чирмашиб олармиш... Қайнотамнинг жаҳли чиқиб кетганмиш.

- Бу ер яхши жой эмас. Сенлар гапимга қулоқ солмасдан мени шу ерга олиб келдиларинг, - дермиш ғазабланиб. Эрталаб туриб тушимни сувга айтдим. Кейин эса эрим ёнимга югуриб келди.

- Бугун отамни туш кўрибман, - дея айнан мен ҳам кўрган тушни айтиб берди. Мен ҳам ҳайрон бўлиб ўз тушимни гапириб бердим.

Нима бўлса ҳам ўша уйни сотиб олдик. Ўшанда қиш эди. Баҳор келгач эрим ҳовлини чопиб, ҳавас билан гуллар экди. Турли гуллар очилган ҳовлимиз жуда чиройли бўлганда ҳаммамиз хурсанд эдик. Шундай бўлса-да, бот-бот ўша тушимизни эслаб кулиб қўярдик. Менга айниқса уй остидаги кенг, тахталардан токчалар қилинган ертўла маъқул бўлди. Унга рўзғорга зарур бўлган маҳсулотларнинг ҳаммаси бемалол жойлашарди. Лекин сомон сувоқли деворида жуда кўп тешикчалар бор эди.

- Буни сичқонлар тешган бўлса керак, - деб қўя қолдик.

Кунлар исий бошлади. Мен баъзан ертўлага ул-бул олгани тушганимда буюмлар орасидан нималардир шитирлаганини ёки хуштакка ўхшаш овозларни эшитиб қолардим. Ўша йили саратонда ҳаво жуда ҳам қизиди. Бир куни эрим билан ёғ олиб келгани бормоқчи бўлдик. Ёғ солинадиган бидон оғир бўлгани учун эрим уни олиб чиқиш учун ертўлага тушиб кетди. Зинадан пастга тушиб ертўла эшигини очган эрим бирданига додлаб юборди.

Очилган эшик остидан бир неча ўнлаб чипор ва қора илонлар чиқиб ҳовли ва боғ томонга қараб ўрмалаб кета бошлади. Бир нечтаси эса эримнинг бел ва оёқларига чирмашиб олишди. Бу воқеа кўз очиб юмгунча содир бўлди. Мен қўрқувдан бақириб эримнинг ёнига отилдим. Ердан битта чўп олиб илонлардан биттасини олиб ташлашга уриндим. Мен чўпни тегизишим билан илон вишиллаб, айри тилини чиқарди.

- Тегма! Бўлмаса чақиб олади, бир йўлини топ! Тез бўл,-бақирарди эримнинг қўрқувдан ранги оқариб.

Нима қилишимни билмасдан додлаганимча кўчага югуриб чиқдим. Қарасам, рўпарамдан оппоқ кийиниб олган бир кекса киши келаяпти. Жон ҳолатда ҳалиги кишига ёпишдим.

- Отажон! Ёрдам беринг! Эримга илонлар ўралиб олди, чақиб қўйишади, - дея йиғладим. Чол гапимни эшитиб ҳассасини дўқиллатганча ҳовлимизга кирди. Дағ-дағ титраб турган эримнинг олдига борди. Илонларга тикилиб, жим қотди. Ё тавба! Эримнинг қўл-оёқларини маҳкам сиқиб, ўралиб турган илонлар ҳам бўшашиб, чолга ўгирилишди-да, ўзларига тикилаётган чолга қараб қолишди. Сўнг чол қўлидаги асосини илонларга аста-аста уриб нималарнидир ўқий бошлади. Илонлар эса бирин-кетин ерга тушишиб яна ертўламизга қараб ўрмалаб кириб кета бошлашди. Ҳатто боғ томонга кетганлари ҳам қайтиб ертўла томонга ўрмалаб кетишди. Мен чол билан ертўлага тушганимда илонлар девордаги тешикларга кириб кетишар, тешикдан уларнинг осилиб турган думларигина кўриниб турарди.

Улар то кўздан ғойиб бўлишгунча қараб турдик. Кейин ҳовлига чиқдик.

- Бу уйдан кўчиб кетинглар, болаларим, - деди вазминлик билан чол. Кейин кўчага чиқиб кета бошлади. Ортидан югуриб чиқиб раҳмат айтмоқчи бўлдим. Лекин кўчада ҳеч кимса йўқ эди.

Шундан сўнг тезда биз ҳам уйни сотиб бошқа жойга кўчиб кетдик. Биздан аввалги эгаси ҳам бекорга сотиб кетмаганини, қайнотамнинг тушимизга бекорга кирмаганлигини тушундик. Тушимда ўша қайнотамнинг оёғига чирмашган арқончалар илонлар экан. Қайнотам бизни огоҳлантирмоқчи бўлган экану, биз бунга аҳамият бермаган эканмиз.

**Авезжон БЕКМУРАТОВА**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафта анча хотиржам кечади. Дўстларингиз даврасида дам оласиз. Оилангизда янгиликлар бўлиши мумкин.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Фаол кечган ҳафта давомида яқин дўстингиз билан муносабатингизни яхшилаб олишингиз керак бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Кўнгилли ҳафта кутмокда. Режаларингизни амалга оширишда раҳбарингизнинг қўллаб-қувватлашидан мамнун бўласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Атрофингиздаги кўп нарсалар ўзгаради. Кўпроқ ота-онангизга, ҳамкорларингиз билан тузган шартномаларингизга эътибор қаратишингиз лозим.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида бизнесингизга оид ишлар билан шуғулланинг. Муҳим қарорлар қабул қилмаганингиз маъқул.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳамкорларингизни ўзгартириб, янги соҳада иш бошланг. Сафарга чиқишингиз, хизматга оид учрашувлар ўтказишингиз мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ўз орзу ва режаларингизни амалга ошириш учун жуда кўп қулайликлар пайдо бўлади. Кўплаб совғалар оласиз.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Дўстларингиз билан боғлиқ режаларингиз ўзгаради. Улар ёрдамидан воз кечманг. Ҳафта охирида муаммоларингиз ҳал бўлади.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Мураккаб ишларни амалга оширишга муваффақ бўласиз. Жума куни қариндошингиз билан келишмовчилик чиқишига йўл қўйманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Режаларингиз амалга ошса-да, муҳим ишларингизни бошқа вақтга қолдирганингиз маъқул. Ҳафта охирида эса рўзғорингиздаги чала қолган юмушларни бажаринг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Севган кишингиз кўп ишларингизга ёрдам беради. Банк билан боғлиқ ишларингиз эса кутган натижани бермайди.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Ўзига хос, мазмунли ўтган ҳафтада сафарга чиқасиз. Яқинларингиз ва янги орттирган дўстларингиз билан мириқиб дам оласиз.

Қилмиш-қидирмиш

# РАШК ҚАСРИ

Наргизахон томорқа ишидан чарчаб, бироз салқинлаш учун пешайвон ичига қўйилган сўрига ўтирди. Болалари кўринмади, ўйнагани кўчага чиқиб кетишган бўлса керак. Танидаги ҳорғинлик бошсиз-учсиз ўйларга боғланиб кетди...

- Ҳа, кимни ўйлаяпсан, ўйнашинг Шавкатни интизорлик билан кутиб ўтирибсанми?!

Эри Шокирнинг ўдағайлаши Наргизахоннинг (исмлари ўзгартирилди) юрагини қинидан чиқараёзди. Қўрқув ичида алам билан эрига қаради.

- Ҳа, ўйнашимни кутиб ўтирибман, ҳозир келиб қолади, - деди зарда билан. - Шундай дейишимни кутаётганмидингиз? Жонимдан тўйдириб юбордингиз-ку!

- Тўхта деяпман, сенга! Ўйнаш кутишни кўрсатиб қўяман ҳозир! - Шокир қўлини мушт қилганича сўридан туриб томорқа тарафга ўтиб кетаётган хотини ортидан борди. Шу пайт уй ичидан ҳолпиллаб онаси Бозорхон ая чиқиб келди. Ўғлининг йўлини тўсиб олганча:

- Қўй болам, ундай қилма, ўзингни бос, - деди зориллаб. - Нима қиласан ширин турмушингни аччиқ қилиб. Келиним сен айтгандақа эмас.



Шокир иложсиз тўхтади. Нима қилишни билмай, пешайвон токчасида турган чопқини олди-да, у ёққа-бу ёққа қаради. Кейин оёғи остида турган ясси бир тошни олиб, чопқи тиғига куч билан ишқай бошлади...

Эркак киши уйда ўтириб қолдими, эзма, ҳар ишга бурнини суқадиган бўлиб қолади. Касби тракторчилик бўлган Шокир Ниғматов ҳам шундай эркаклар тоифасига киради. Ҳушига келган пайтларда устачилик қилиб туради. Ароқдан юз ўгирмайди. Кейинги вақтларда хотинини Шавкатдан рашк қила бошлади. Деярли ҳар куни хотинини шу хусусида қийин қистовга олади, мушт кўтаради. Ширингина турмушларидан файз-барака қочди.

Бирон-бир сабаби бордирки, хотинини рашк қилаётгандир, дейишингиз мумкин. Шокирнинг суддаги кўргазмасида айтилишича, 2006 йил июн ойида қўшниларникида битирувчи синф ўқувчиларининг зиёфати бўлади. Маҳалла-кўй уларникига томошага чиқишган. Улар орасида Шокир, Наргиза, Шавкатлар ҳам бўлишган. Шу жойда Шавкат Наргизага кулиб қараганмиш, ўртада ўйнаётиб, ёнига келганмиш... Рашк сабабини эшитган қўни-қўшнилар, танишлар: "Наргизахон ундай аёллардан эмас", деб ёқа ушлашди.

- Қайнонам тенгқурларини меҳмондорчиликка чақирган эди. Ошхонада таом тайёрлатиб, сал ҳаво кирсин деб деразасини очган эдим. Эрим қараб турган экан. Кела солиб: "Деразани кимга очаяпсан, ўйнашинг келадими?" деб жанжал қилди. "Нега туҳмат қилаверасиз?"-десам, тушунишни истамади. Мени рашк қиладиган Шавкат деганини умуман яхши танимайман, бирон марта гаплашмаганман... Эрим баъзида мени ечинтириб, бирон еримда тирноқдек қизарган жой бўлса ҳам: "Буни ким қилди?"-деб таҳқирлайди, руҳан азоблайди. Иккита болламни ўйлаб чидаб юрган эдим... 2007 йил январ ойи эди. Эрим: "Шавкат билан юрганингни айтасан", деб туриб олди. Жонимдан ўтиб, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолганди. "Бировга айтмайман, деб қасам ичсангиз, айтаман",- дедим. "Сенга ҳам индамайман, бировга ҳам айтмайман",-деб қасам ичди. Шу эрим рашк қилишни тўхтатар, деб ўйлаб ёлғондан, "2006 йилдан бери Шавкат билан гаплашиб, ўйнашиб юраман", дедим. Шундан кейин эрим ичган қасамида турмай: "Шавкатни ушлаб берасан, ўзим гаплашиб оламан", деб ҳоли-жонимга қўймай, талаб қўядиган одат чиқарди... 2007 йил 5 феврал куни қаттиқ жанжаллашиб қолдик. Мени "талоқ қилдим", деб уйимизга ташлаб кетди. Эртаси куни 7 феврал куни эса Шавкатнинг хотини бўлган Мавжудахон келиб, мендан "эрим билан юрасизми?" деб сўради. Унга: "Ҳаммаси бўлмаган гап. Эрингиз билан умримда гаплашмаганман. Мени туҳмат гапларни бўйнимга олишимга эрим мажбур қилди", дедим.

Юқоридаги гаплар гувоҳ Наргизахон Тўйчибоева кўргазмасидан олинди. Энди бу оиладаги ноўрин рашк касрига қолган жабрланувчи Шавкат Раҳимовнинг бошига тушган кўргулик ҳақида.

Шокирнинг уйига туташ жойда тегирмон бор. Шавкат шу тегирмонга буғдой торттиргани бориб қолади. Кечки пайт эди. Баногоҳ тегирмонга Шокир ҳам кириб келади. Шавкат ундан бир чеким нос сўрайди.

- Ёнимда йўқ, юр, уйдан олиб бераман, - дейди Шокир.

- Бир чекиш носга уйингизга кираманми? - дейди Шавкат.

- Юравер, сенга бир гапим ҳам бор. - Шавкат Шокирнинг ортидан уйларига киради. Ичкарига кириб туришгач, Шавкат: "Нима дейсан?" дегандек Шокирга қарайди.

- Хотиним билан юрар экансан, - деди Шокир дабдурустдан. - Менга тўғрисини айтсанг, ҳеч гап бўлмайди. Бўлмаса...

- Нима деяпсан, ўзи? - деди кутилмаган гапдан энсаси қотган Шавкат. - Хотинингни танимайман, ҳатто салом-алик ҳам қилмаганман-ку!

Икки йигит ғижиллашиб, ёқалашишга келган пайтларида қўшни хонадон Шавкатнинг опалари чиқиб келишади. Опалари ҳам укалари тараф бўлишди.

- Хоҳласангиз, Қуръон олиб чиқинглар, қасам ичаман, мен унга ўйнаш эмасман! - деди Шавкат бундай туҳматни танасига сиғдира олмай, йиғламоқдан бери бўлиб. - Ахир оилам, болам бор!..

Мавжуда тегирмондан авзойи ўзгариб, ранги оппоқ тусда қайтган эри Шавкатни кўриб:

- Тинчликми? Сизга нима бўлди? - деб сўради.

- Шокир мени хотинига ўйнаш қилаяпти, - деди Шавкат хотинига очиқ-ойдин. - Унинг хотинини танийсанми?

Мавжуда эрини яхши билади, чакки қадам босадиганлардан эмас, фақат оилам дейдиган эркаклардан.

- Наргиза опани танийман, - деди Мавжуда.

- Бўлмаса, бирга бориб аниқлаштириб келамиз, - деди Шавкат. - Қуруқ туҳматга чидолмаяпман.

Шундан сўнг эр-хотин Шокирникига йўл олишди. Кун қорайиб қолган эди. Уйида экан, тумшайиб чиқди.

- Ҳозир хотинингни олдига борамиз, - деди Шавкат унга. - Ким кимга туҳмат қилаяпти, ҳал этамиз.

- Опам ҳам борсин, - деди Шокир.

Шавкат хотини билан Шокирнинг опасиникига қараб кетишди.

- Эрим уйда йўқ, бора олмайман, - деган баҳона билан Шокирнинг опаси уйига кириб кетди.

- Опам келмадими? Ҳеч қаерга бормайман! - деб туриб олди Шокир.

- Сен бормасанг, акангни олиб борамиз, - деди Шавкат аччиқланиб. - Бекордан бекорга "қора" бўлиб қолишни истамайман.

Бу сафар Шокирнинг нияти ёмонлашиб, қўйнига чопқини солиб чиққан эди. Шавкат юқоридаги гапини айтиб, ортга бурилган эдики, бўйнига чопқи билан урди. Кутилмаган зарба оғриғидан Шавкат ўтириб қолди. Шокир қонга ботган чопқини яна кўтарди... Мавжуда ерда чўзилганича типирчилаб ётган эрини кўриб, дод солганича Шокирнинг қўлидаги чопқига ташланди. Яна кимдир ёрдамга чопиб келди.

Шокир пок эканки, Оллоҳ жонини сақлаб қолди. Шифохонада даволаниб, оиласи бағрига қайтди. Хотинини беҳуда рашк туфайли руҳан азоблаб, бегуноҳ бир эркакнинг жонига қасд қилишга уринган Шокир Ниғматов судда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида жазосини олди.

Данғара туманидаги чекка бир қишлоқда рўй берган бу фожеа боис иккита ёш оила пароканда бўлди, тинчлиги йўқолди. Ўзгага туҳмат қилган одам алал-оқибат ўзи бадном бўлди. Ҳозирги қилаётган аттанги балки, кейинги ҳаётида асқотар. Аёлидан узр сўраса, оиласи, болалари ёнига қайтар... Аммо дарз кетган кўнгилларни чегалаб бўлармикан?

**Қ.СОТИБОЛДИЕВ,**
**Данғара туман прокуратураси терговчиси,**
**Мухтор Бек, журналист.**


## ЭЪЛОНЛАР

**АБДУРАҲМОН**
**хусусий шифохонасида**
**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй.**
**Телефон: 276-85-86, 116-88-02.**
**Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**"ЛОРА-ЛЮКС"** тўй кўйлаклари салонининг эшиклари келинпошшалар учун доимо очиқ!
**МАНЗИЛ: метронинг "Халқлар дўстлиги" бекати, Олмазор даҳаси, 7-уй, 32-хонадон.**
**Телефонлар: 395-59-49, 395-02-80**

Республика Ёш физик ва математиклар мактаб-интернатининг 1982 йилги барча битирувчилари **ДИҚҚАТ**ига!
Сизларни 2007 йил 30 июн куни бўладиган битирувчиларнинг 25 йиллик юбилейи ҳамда устозларни қадрлаш ва хотирлаш муносабати билан ўтказиладиган тадбирга таклиф этамиз.
**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе 33-уй.**
**ТЕЛ: 704-32-43, 704-29-39, 301-72-27, 401-53-05, 338-28-77.**

Тошкент вилояти, Тошкент тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган **«AL RASULOV»** МЧЖ номи **«KO'KSAROY MEBEL»** МЧЖ деб ўзгартирилади.
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
**ТЕЛ: 111-08-00**


## ҲАЁТИЙ КУЗАТМАЛАР

Арпа экиб, буғдой оламан дема. Бу ёруғ дунёда ҳамма экканини олади.

* * *

Жуда бой бўлиб кетдим, жуда ночор аҳволдаман деб, сира айтма. Энг кераклиси, эл-юртнинг назаридан қолма.

* * *

Ғазаб отига миндингми, ўзлигингни унута бошлайсан.

* * *

Дилкаш дўстнинг суҳбати асалга ўхшайди. У ҳам меъёрида бўлса, яна яхши.

* * *

Айримлар "замон" ўзгарган деб ваҳима соладилар. Аслида, инсон деган зот, замонани ағдар-тўнтар қилиб юбориш қудратига эга. Тарихни эсланг.

* * *

Инсон боласи ҳеч қачон тушкунликка тушиб, қариликни бўйнига олмаслиги керак. Бошқа миллат вакиллари, масалан руслар бўш қолсалар, қармоғини кўтариб, балиқ овлаш учун ариқ бўйларига дўстлари билан кетиб, дам-хордиқ олиб қайтадилар.

Негадир бизнинг қариялар бундай ишларни ўзларига эп кўрмайдилар.

Оқар сувлар, инсон умрини узайтириши учун бир туртки эмасми?

**Султонмурод ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент вилояти, Бўка шаҳри**

**TV-MARKAZ**

07.00 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Навбат» Рашид Холиков билан
08.50 Узбек наволари
09.00 Сериал «Ва-банк» 14-серия
10.20 Мировые хиты
10.30 Узбек наволари
11.00 «Без ума от любви» худ.фильм
12.50 Мировые хиты
13.00 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 «Сайилгох»
16.15 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 «Кулинар фантазиялари»
18.40 Узбек наволари
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 15-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция «ОДНАЖДЫ В АМЕРИКЕ» 1-серия
00.20 Миксер

**1 ОРТ**

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов+»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Смерть взаймы»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Улицы разбитых фонарей».
20.00 Время
20.30 Премьера. «Смерть шпионам».
21.30 «Скальпель для Аполлона»
22.30 Ночные новости
22.45 Искатели. «Великий запрет Чингисхана»
23.35 Ударная сила. «Оружие Победы»
0.20 Бен Стиллер в комедии «Не будите спящую собаку»
2.00 Время
2.30 Остросюжетный фильм «Нашествие»

**РТР**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Курортный роман с властью».
8.45 «Частная жизнь». Токшоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
9.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Нана Кикнадзе, Кристина Бабушкина, Ольга Сидорова, Юлия Рутберг, Александр Мохов, Ивар Калныньш и Антон Макарский в телесериале «Примадонна».
12.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Танго втроем». Телесериал.
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
18.40 ВЕСТИ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Юлия Рутберг, Александр Мохов, Ивар Калныньш и Антон Макарский в телесериале «Примадонна».
22.10 «Исторические хроники» с Николаем Сванидзе. «1959. Митрополит Николай».
23.10 «ВЕСТИ+».
23.30 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. Владимир Литвинов, Николай Прокопович и Марина Могилевская в остросюжетном фильме «Телохранитель». 1991г.
1.20 «Дорожный патруль».
1.40 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Билл Пэкстон в телесериале «Большая любовь» (США).
2.30 Комедийный телесериал «Война в доме» (США). 2005г.
2.55 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3.40 ВЕСТИ.

## ПАЙШАНБА 21

**O'ZBEKISTON**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Ёрилтош». Видеофильм.
9.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
9.30 Самарқанднинг 2750 йиллигига. «Диёр оҳанглари».
10.10 «Чоликуши». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Бизнес янгиликлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоғи». Премьера.
12.25 «Бир жиноят изидан». 1-қисм.
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Верди. «Трубадур». 1-қисм.
16.20 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили: «Эъзоз».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Бир жиноят изидан». 2-қисм.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 ТВ анонс.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Жўнатилмаган мактублар». Бадиий фильм (Туркия)
20.50 Дунё иқлими.
21.0 0 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 **«Зерда».** Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «ТВ-анонс».
10.20 «Универсиада-2007» спорт ўйинлари.
12.10 «SMS-мусиқа».
12.30 «Мурувват».
12.40 «Ёзбегим санъати».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 **«Қор алангаси».** Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
15.30 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!» 3-қисм.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Автопатрул».
16.35 «Хуш келибсиз!»
16.50 «Универсиада-2007» спорт ўйинларига бағишланади: «Чемпион сирлари».
17.10 «Уйимдаги фариштам».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
18.35 «ўазал мулки».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 **«Қор алангаси».** Сериал.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Эълонлар».
20.50 **«Зерда».** Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: **«Қочоқ».** 2-қисм.
23.55 – 00.05 «Таскин».

**TOSHKENT**

7.30 **«Салом, Тошкент!»**
8.35 «Гвадалупе».
9.15 «Телекурьер – маркет».
9.35 «Муқаддас қадамжолар».
9.55 «Интервью».
10.05 «Мусиқа SMS».
10.30 «Моҳир»/рус/.
10.45 «Туризм ҳақида»/рус/
11.25 - 12.40 Кино: «Это не бизнес».
***
17.55 Мультфильм
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Гвадалупе».
19.50 «Иқтисод-ревью»/рус/
20.00 **«Пойтахт»**
20.20 «Универсиада -2007 кундалиги»/рус/.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт»
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Кино: «Мисс Потер»/ Премьера/.

**SPORT**

8.00 – 16.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Футбол.
Кураш.
Сузиш.
Гандбол (йигитлар)
Волейбол (йигитлар)
Баскетбол (йигитлар)
Гандбол (қизлар)
Кураш. Финал мусобақалари.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Универсиада - 2007» машъаласини ёқиш маросимидан репортаж.
18.30 «Универсиада - 2007» кундалиги (рус тилида)
19.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Гандбол (йигитлар)
19.30 «Универсиада - 2007» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими.
21.30 «Универсиада - 2007» кундалиги (ўзб. тилида)
22.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Футбол.
Сузиш.
Волейбол (қизлар)
Баскетбол (қизлар)
Гандбол (қизлар)

**TV-MARKAZ**

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 «Сайилгох»
08.25 Мировые хиты
09.00 Сериал «Ва-банк» 15-серия
10.20 Узбек наволари
11.00 «Однажды в Америке» худ.фильм 1-серия
13.20 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
17.00 «Великолепная семёрка»
17.30 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Мировые хиты
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 16-серия
20.20 «Спецрепортаж»
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «ОДНАЖДЫ В АМЕРИКЕ» 2-серия
00.20 Миксер

**1 ОРТ**

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов+»
9.05 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Побег в никуда»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Улицы разбитых фонарей».
20.00 Время
20.30 Х/ф «Смерть шпионам».
21.30 «Человек и закон»
22.40 Ночные новости
22.55 Х/ф «Шарада»
1.00 Х/ф «Лишь море знает...»
2.00 Время
2.30 Фильм «Лишь море знает...». Продолжение

**РТР**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Я убит под Вязьмой. Народное ополчение».
8.45 «Частная жизнь».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 Антон Макарский в телесериале «Примадонна».
12.40 ВЕСТИ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Танго втроем».
17.40 «Ангел-хранитель».
18.40 ВЕСТИ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Антон Макарский в телесериале «Примадонна».
22.10 ПРЕМЬЕРА. «Брестская крепость».
23.10 «ВЕСТИ+».
23.30 Х/ф «Страсти Христовы»
1.55 «Дорожный патруль».
2.10 Билл Пэкстон в телесериале «Большая любовь»
3.05 Х/ф «Война в доме»
3.25 Канал «Евроньюс»

## ЖУМА 22

**O'ZBEKISTON**

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Болалар дунёси».
9.30 «Марғилон-2000».
9.35 ТВ анонс.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Жўнатилмаган мактублар». Бадиий фильм.
10.45 «Минг бир ривоят».
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «ТВ шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 Самарқанд-2750.
12.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тўрткўл». Премьера.
12.25 «Бир жиноят изидан». 2-қисм.
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Марғилон-2000».
15.15 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Верди. «Трубадур». 2-қисм.
16.25 «Обод манзиллар».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Саломатлик» дастури.
17.35 «Рангин дунё».
17.55 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Зиё»студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
**18.40 «Ошин».**
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус)
20.10 «Жўнатилмаган мактублар». Бадиий фильм.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бекат».
22.05 «Муҳаббат гўшаси».
23.15 «Икки тақдир».

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 **«Зерда».** Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.20 «Универсиада-2007» спорт ўйинлари.
12.35 «Тасвир ва таассурот». Эдуард Мане.
12.50 «Универсиада-2007» спорт ўйинларига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 **«Қор алангаси».**
14.30 «ЯНГИ КУН».
15.30 «Лангар».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Абадият онлари».
17.00 «Қўшқулоқ».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Автопатрул».
18.35 «Ғазал мулки».
19.00 «ДАВР».
19.30 **«Қор алангаси».**
20.10 «Универсиада-2007» спорт ўйинларига. бағишланади: «Давр-репортаж».
20.20 «Дунё таомлари».
20.40 «Эълонлар».
20.50 **«Зерда».** Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Универсиада-2007» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими.
00.10 – 00.15 «Таскин».

**TOSHKENT**

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе».
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Келажакка интилиб».
10.00 «Репортаж».
10.10 «Мусиқа SMS».
10.30 «Иқтисод - ревью»
10.45 Кино: «Мисс Потер».
12.20- 14.10 «Универсиада - 2007». Спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими.
***
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Афиша»/рус/.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Гвадалупе».
20.00 **«Пойтахт»**
20.20 «Универсиада -2007 кундалиги»/рус/.
20.50 «Репортаж»/рус/.
21.00 «Жозиба».
**21.30 «Пойтахт»**
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
**22.30 «Пойтахт»**
22.50 Кино: «Я робот»/Премьера/.

**SPORT**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 – 16.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Футбол.
Белбоғли кураш.
Сузиш.
Гандбол (йигитлар)
Волейбол (қизлар)
Баскетбол (йигитлар)
Гандбол (қизлар)
Белбоғли кураш. Финал мусобақалари.
***
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Универсиада - 2007» кундалиги (рус тилида)
19.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Енгил атлетика.
Волейбол (йигитлар)
Гандбол (йигитлар)
Баскетбол (қизлар)
21.30 «Универсиада - 2007» кундалиги (ўзб. тилида)
22.00 «Универсиада - 2007» спорт ўйинлари:
Сузиш.
Волейбол (қизлар)
Футбол.
Енгил атлетика.

**TV-MARKAZ**

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Ва-банк» 16-серия
10.20 Узбек наволари
11.00 «Однажды в Америке» худ.фильм 2-серия
13.20 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Узбек наволари
18.30 «Сайилгох»
18.45 Мировые хиты
19.30 Узбек наволари
21.00 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ХОРОШИЙ ГОД» худ.фильм
00.20 Миксер

**1 ОРТ**

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов +»
9.00 «Агент национальной безопасности».
10.00 «Улицы разбитых фонарей».
11.00 Новости
11.15 «Понять. Простить»
11.40 «Без комплексов»
12.30 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости
14.15 Вне закона. «Любовь, похожая на стон»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 Концерт
22.10 Открытие XXIX Московского международного кинофестиваля
22.45 Х/ф «Иди и смотри»
1.15 Х/ф «Любовь к деньгам»
2.00 Время
2.25 Комедия «Любовь к деньгам». Продолжение
3.15 «Цыганское счастье»

**РТР**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Мой серебряный шар.
8.45 ВЕСТИ.
9.00 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». 1968г. Фильм 1-й. «Без права быть собой».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». Фильм 1-й. «Без права быть собой». Продолжение.
11.25 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». 1968г. Фильм 2-й. «Приказано - выжить...».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». Фильм 2-й. «Приказано - выжить...». Продолжение.
14.05 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». 1968г. Фильм 3-й. «Обжалованию не подлежит».
15.30 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». 1968г. Фильм 4-й. «Последний рубеж».
15.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 Алла Демидова в фильме «Щит и меч». Фильм 4-й. «Последний рубеж». Продолжение.
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
18.40 ВЕСТИ.
19.00 ВЕСТИ.
19.15 «Пятая студия» с Сергеем Брилевым».
19.50 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.10 «Спокойной ночи, малыши!».
20.25 Алексей Панин в фильме Николая Лебедева «Звезда». 2002г.
22.25 Сэмюэл Л. Джексон в остросюжетном фильме «Переговорщик»
1.00 Кристофер Ламберт и Настасья Кински в фильме «Точная копия» (Франция). 2004г.
2.40 «Дорожный патруль».
2.50 «Горячая десятка».
3.45 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Билл Пэкстон в телесериале «Большая любовь» (США). 2006г.
4:35 Комедийный телесериал «Война в доме» (США). 2005г.

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*







**San`atjon ERIMMETOV.** Xorazm viloyati, Gurlan tumani, 2-maktabning 3 «V» sinf o'quvchisi.



**Umida ABDURASHIDOVA.** Toshkent viloyati, Toshkent tumanidagi 22-maktabning 5 «D» sinf o'quvchisi.



**A`lobek AMINOV.** Xorazm viloyati, Xazorasp tumani, Pitnak shahri, 9-bog'cha-maktabning 3-sinf o'quvchisi.

## MENING VATANIM



*Serquyoshdir mening o'lkam,*
*Bog'lari shunday ko'rkam.*
*Barchani maftun etgan,*
*Jannat misoli maskan.*

*Mard jasur o'g'lonlari,*
*Mehmondo'st insonlari.*
*Osmon kabi musaffo,*
*Shu vatanga jon fido.*

**Shohida SHIXNAZAROVA.**
Xorazm viloyati, Qo'shko'pir tumani, 29-maktab, 8-sinf o'quvchisi.



**Jamshidbek YULDASHEV.** 6 yosh. Xorazm viloyati, Gurlan tumani. Bog'cha tarbiyalanuvchisi.



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### МОХ ФОЙДАЛИМИ?

Мох ер юзасини қоплаб, тупроқдаги намликнинг буғланиб кетишига йўл қўймайди. Ўзи эса тупроқдан намлик олмагани боис бошқа ўсимликларнинг намга бўлган эҳтиёжи кўпроқ қонади. Бундан ташқари мох тупроқ ва кўп йиллик ўсимликлар илдизини совуқдан асрайди. Қуриб қолган мох чириганидан сўнг табиий ўғитга айланади ва бошқа ўсимликларни озиқлантиради.

Ботқоқлик жойларда эса қуриган мох қатлам-қатлам бўлиб йиғилиши натижасида торф ҳосил бўлади. Торфдан эса ёқилғи ва ўғит сифатида фойдаланилади.

### ЎСИМЛИК НИМА?

Ўсимликлар паст бўйли, майда ва нозик баргли бўлади. Улар баҳорда ўсиб чиқиб, ёз бўйи ривожланади, гуллайди, уруғ солади. Кузга бориб эса қовжираб қурийди. Шунинг учун аксарият ўсимликлар бир йиллик бўлади.



Айрим ўсимликлар иссиққа ҳам, қурғоқчиликка ҳам чидамли бўлади ва дуч келган жойда ўсаверади. Бошқалари эса ўзи учун мос бўлган иқлим шароитлари мавжуд бўлгандагина униб-ўсади. Футбол майдонлари ва кўчаларнинг четларига яшил майсанинг уруғи экилиб, у вақти-вақти билан суғориб, ўсиб кетса қиртишлаб турилади.

### ИЛК ЎРМОНЛАР ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Бундан миллион йиллар аввал Ер сайёрасининг қуруқлик қисми деярли тўлалигича ўрмонлар билан қопланган эди. У пайтлар ўрмонларда асосан ботаника фанида "папоротник" (қирққулоқ) деб аталадиган буталар ўсган. Энг қизиғи ана шу буталардан айримларининг бўйи ҳозирги дарахтлардан баландроқ бўлган, яъни 30 метрдан ҳам ошган.

Папоротникларнинг бундай улкан ҳажмгача етишининг ягона сабаби ўрмонларда уларни еб битириши мумкин бўлган ҳайвонларнинг, ҳамда уларнинг ривожланишига халақит беришадиган бошқа турдаги ўсимлик ва дарахтларнинг бўлмаганлигидадир. Кейинчалик Ер куррасида иқлимнинг ўзгара бориши билан папоротниклар аввалгидай ҳамма жойда ўса олмай қолган. Бугунга келиб тропик минтақадаги ўлкаларда уларнинг айрим майда ва ўрта бўйли турларигина сақланиб қолган.

### ПАПОРОТНИК НИМА?

Папоротник (қирққулоқ) гулламайдиган, бутаси ва банди кичкина, асосан ингичка узун баргли ўсимлик. Улар асосан иссиқ ва нам иқлимли ўлкаларда ўсади. Гулламаса-да, баргининг ўзида уруғлари пайдо бўлади. Ана шу уруғларидан кўпаяди.

Папоротникларнинг 9500 га яқин тури мавжуд. Уларнинг баъзилари сув бўйларида ўсса, бошқалари қурғоқчиликка ҳам анчайин чидамли бўлишади. Папоротникнинг баъзи турларини уйларда ҳам ўстиришади.

### ҚИРҚБЎҒИН НИМА?

Қирқбўғин(хвош) ҳам папоротник билан деярли бир вақтда пайдо бўлган ўсимлик тури. 350 миллион йиллар аввал қирқбўғинларнинг баландлиги 15 метргача етган. Гарчи ҳозирга келиб уларнинг бўйи анча кичрайиб қолган бўлса-да, ташқи кўриниши ва шакли умуман ўзгармаган. Қирқбўғин таркибида ўта заҳарли модда бўлиб, уни еб қўйган ҳайвонлар албатта заҳарланиб ўлади. Унинг таркибида учрайдиган кремний оксидидан тозаловчи ва ювувчи воситалар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

### ДАШТ НИМА?

Асосан маълум бир тур ўсимликлар ўсиб, камдан кам ҳоллардагина дарахт ва буталар учрайдиган катта-катта текисликлар дашт(чўл) дейилади. Даштлар Ер сайёраси қуруқлик қисмининг тўртдан бир қисмини эгаллаган. Даштларда турли хил ҳайвонлар яшайди.

Энг катта даштлар Африкада мавжуд. Марказий Осиё, Шимолий Америка ва Австралияда ҳам катта-катта чўллар бор. Жумладан, Африкадаги Сахрои Кабир (арабчадан "Катта чўл" деб таржима қилинади), Марказий Осиёдаги Қизилкум, Қоракум, Монголиядаги Гоби чўллари катталиги билан ажралиб туради.

### ДОРИВОР ГИЁҲЛАР НИМА?

Ҳар бир ўсимлик ва гиёҳ маълум бир хусусиятга, хоссага эга. Шу боис улардан айримлари инсон учун фойдали бўлса, бошқалари зарарли ҳисобланади.

Инсон томонидан саломатликни тиклаш, турли касалликларни даволаш, яра ва жароҳатларни ювиш, оғриқ қолдириш учун истеъмол қилинадиган ўсимликлар **доривор гиёҳлар** дейилади. Бунинг учун улардан дамлама ва қайнатмалар тайёрлаб ичилади ва оғриқли жойлар ювилади, ўзи хомлигича, ёки овқатга қўшиб ейилади.

Бугунги кунда бутун дунёда доривор гиёҳлар ёрдамида даволанишга қизиқиш ва интилиш ортиб бормоқда.

### ЁВВОЙИ ЎСИМЛИКЛАР НИМА?

Шундай ўсимликлар борки, уларни инсон истеъмол қилиш, фойдаланиш учун махсус ўстиради. Аммо боғ ва томорқаларда, далаларда улар билан бирга инсон учун умуман кераксиз ва фойдасиз юзлаб ўсимликлар ҳам ўсади. Улар "ёввойи ўсимликлар" дейилади. Ёввойи ўсимликлар тупроқдаги нам ва ўғитлардан озиқланиб,



хонакилаштирилган ўсимликларнинг ўсишига халақит беради. Шу боис одамлар уларни юлиб ташлайдилар, тупроққа турли гербицидлар билан ишлов беришади.

**ДАРМОН тайёрлади.**




# ХАТОЛИК КЕЛТИРГАН ЖУДОЛИК...

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

- Барно, биласизми, сиз билан очиқча гаплашиб олмоқчи эдим. Мен Гулшанга севиб уйланганман, биласиз, қизим бор. Улар жону дилим, - дея гап бошлаётган эдим, бирдан у мени қучоқлаб олди. Саросимада уни итаришга ҳаракат қилдиму, лекин чирмовикдек қўлларидан қутулиш қийин эди. Ўзим ҳам шу тобда унинг қучоғидан чиқишга шошилмасдим...

Уйга келганимда паришон ухлаб ётган хотинимга, ширингина ором олаётган қизалоғимга қараб, юрагим сиқилди, виждоним қийналди. Эртасига кун бўйи Гулшаннинг кўзига қарашга ботинолмадим...

Душанба куни хотиним билан бирга мактаб ҳовлисига кириб борар эканмиз, рўпарамизда пайдо бўлиб қолган Барнони кўриб, гангиб қолдим.

- Гулшан опа, шанба куни зиёфатга келмадингиз? Роса мазза қилдик!!!

"Роса мазза қилдик!", "Роса мазза қилдик!", "Роса мазза қилдик!"... Қулоқларим остида акс-садо бераётган бу сўзларни эшитиб, этим жимирлашиб, қўлларим мушт бўлиб тугилди, ичимдан зил кетдим. Энг даҳшатлиси орадан икки кун ўтгач, Гулшан менинг чўнтагимдан хат топиб олганида рўй берди...

Кечки овқатни еб, ухлаш учун ётоққа кирсам, Гулшан:

- Ўша куни зиёфатдан ким билан бирга келгандингиз? - дея еб қўйгудек тикилди. Кутилмаган бу саволга шошиб, тутилиб:

- Ўзиммм..., нимага сўраяпсан? - дедим. Шунда Гулшан олдимга бир қоғозни отиб юборди- да:

- Мана, севгилингиз яна учрашмоқчи экан, - деди.

"Азимжон ака, зиёфат бўлган кеча ҳаётимнинг энг гўзал оқшоми бўлди. Бўсаларингизни унутолмаяпман. Яна қачон учрашамиз?" - деб ёзилган хатни ўқидиму, юрагим товонимгача тушиб кетди.

Уни атайлаб, Гулшан ўқиши учун уюштирилганини ҳам англаб етдим. Сабаби, ўша куни дарслар тугагач, химия ўқитувчисидан бир баҳона билан калитини олиб, лаборатория хонасида Барно билан учрашганимизда чўнтагимга солиб қўйган эканлиги аниқ ва равшан эди.

Ўзимни оқлашга ҳаракат қилдим:

- Бўҳтон! Мен фақат уни кузатиб қўйдим, холос...

- Эртакларингизни ишонадиган одамга айтинг!

Бу Гулшаннинг узил-кесил гапи эди. Уни ишонтириш, алдаш жуда қийинлигини англадим. Бир ойгача менга қайрилиб ҳам қарамади. Барно билан бориб уришиб-тортишиб келишга унинг ғурури, орияти йўл қўймаслигига кўзим етарди...

Жанжал, хафагарчиликлар, менинг тавба тазарруим, ялиниб-ёлборишларим билан тинчигандек бўлди. Лекин Барнонинг ҳам, менинг ҳам елкамга миниб олган шайтон тинчимади...

У билан ҳар гал хуфия учрашганимиздан сўнг, "бўлди, бу охиргиси!" деб ўзимга аҳд қилардиму, лекин турли-туман, бежирим кийимлар кийиб, ўзидан хушбўй атир таратиб юрадиган бу шўху шаддод қиз нимаси биландир мени ўзига тортаверар-тортаверарди...

Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Бизнинг яширин ишқий саргузаштларимиз нафақат мактабда, балки қишлоқда ҳам дув-дув гап бўла бошлади. Бир куни онам мени роса койидилар: "Эсингни йиғгин,ҳой, бола! Гулдек хотининг, қизинг бўлиб туриб қилиб юрган ишингни қара. Ким айтади сени ўқитувчи деб. У ер ютгур Барнонинг асли авлоди шунақа беъмани. Отаси бекорга уларни ташлаб кетгани йўқ. Онасиям аҳлоқи бузуқ эди, ёшлигида".

Ўша "ёшлигида аҳлоқи бузуқ" аёл уйимизга "қизимни олишга мажбурсан, оласан!" деб жанжал қилиб келганида, менинг оиламга батамом дарз кетди.

Гулшан мени кечирмади... Қизимни олиб, уйдан чиқиб кетганида, қилиб қўйган ишимнинг даҳшатини ҳис қилдим. Аммо кеч эди...

Барнонинг бўйида бўлиб қолганлиги учун ҳам, унга ота-онам, қариндошларнинг ёрдами билан туман марказидан алоҳида уй олиб бердим. Бироқ у билан яшамадим. У ҳам мени бирга яшашга мажбурламади. Чунки Барнонинг асл мақсади мен билан яшаш эмас эди...

Гулшанни, қизимни жуда соғинардим. Бир неча марта бош эгиб бордим. Лекин Гулшан мен билан гаплашишни хоҳламади. Қизим ҳар сафар: "Дадажон, бизни олиб кетинг. Ҳаммамиз бобомникида яшайлик", деб хархаша қиларди. Унинг ёлборишларини кўриб, дунёга сиғмай кетардим. Ўзимни қанча лаънатламай, энди фойдаси йўқ эди.

Бу орада отам хасталаниб, бир неча вақт тўшакда ётиб қолдилар.




Отамни тўшакка михлаган менинг ҳаётим, тақдирим, ўзим эдим... Барно ҳам туғиб, мендан моддий ёрдам талаб қила бошлади. Ундан ўғил кўрган бўлсам-да, барибир кўнглим илимади. Бир ёқда отамнинг касаллигини даволаш, бир ёқда Барнонинг оғзини ёпиш, бир тарафда иш... Мана шу ташвишлар билан орадан анча вақт ўтиб кетди.

Бир куни юрагим соғинчга тўлиб-тошиб Термизга отландим. Йўл давомида қизим, Гулшан билан учрашишни ўйлаб юрагим орзиқиб борди. Бироқ манзилга етиб бориб, Гулшанни турмушга чиқиб кетганини эшитиб карахт бўлиб қолдим. Мен нотавон ҳалиям ярашишимизга, кечирилишимга умид қилиб юрган эканман.

Ўша куни кечгача шаҳарда сандирақлаб юрдим. Яқин дугонаси билан гаплашдим. Гулшан унга: "Бева бўлиб юришни хоҳламайман. Кулсам ҳам одамлар гапиради, йиғласам ҳам, кийсам ҳам, киймасам ҳам ғийбатимни қилишади. Онам ўлиб кетдилар, энди менга кимнинг ҳам ичи ачирди? Бир ишонганим - ҳаётимни барбод қилган, мени оёқости қилган бўлса", - деган экан.

У турмуш қурганини эшитган дақиқадан бошлаб, кунларим қора тунга айланди. Қизимни бировнинг уйида мунғайиб юришини ўйлаб, эзилгандан-эзилдим. Юрагимда тошдек оғир ғам билан уйга қайтиб кетдим. Лекин 10 кун ўтар-ўтмас, чидаёлмай яна Термизга жўнадим. Сўрабсуриштириб Гулшан тушган маҳаллани топдим. У коллежга ишга кирибди. Гаплашиб олиш учун ўша ерга бордим. Гулшан мени кўриб, мендан баттар аҳволга тушди... Гап-сўзларга ҳожат йўқ эди. Қизимни кўраман десам: "Энди сизни унутгани маъқул", - дейди. "Ахир отасиман", - десам, "Буни аввалроқ ўйлаш керак эди", - деди. Хуллас, қизим билан учрашишни тақиқлади. Мен нима дер эдим, нима дея олардим. Лекин ўзим қизимни кўрмасам, кетмайман деган қарорга келдим.

Кун бўйи Гулшан тушган хонадон атрофида ўралашиб юрдим. Ниҳоят тунда амаллаб уларнинг уйлари томига чиқиб, томга туташиб кетган тут дарахтининг орасига яшириниб олдим. Тонг отгунча ўша жойда қунишиб ўтирдим. Кун ёришиб, атрофда ҳаёт жонлана бошлади.

Бир пайт мен кузатиб ўтирган ҳовлида қадам товуши эшитилди. Эгнига узун гулли халат ташлаб, човгум кўтариб олган Гулшан кўринди. Сув кранининг олдига бориб чўккалади-да, узоқ вақт сувга қараб хаёл суриб турди. Мен унинг бегонанинг ётоғидан чиқиб келаётганини кўриб, ичимдаги оғриқни босиш учун, инграб юбордим.

Гулшан эринибгина юзини ювди. Бир нуқтага тикилганча, юзқўлини артди. Кейин човгумни сувга тўлдирди-да, ошхона томонга юрди. Бир дам ўтиб майкачан эркак кўринди. Эри эканлигини ўйлаб, рашкдан ёрилиб ўлай дедим. Юрагим гурс-гурс уриб, қизгинамнинг чиқишини кута бошладим. Қуёш кўтарилиб, ҳамма ёқ аниқ-тиниқ кўриниб қолди.

Бир соатдан ортиқроқ вақт ўтиб, Гулшан сумка кўтариб ишга чиқиб кетди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, кўзларини ишқалаб, ширинтойим, кўзимнинг оқу қораси Умидам ҳовлида пайдо бўлди. Боя онаси чўккалаб юзини ювган жойга келиб ўтирди ҳамки, кўзини очолмасди.

- Бўл тез-тез, сасиб ўтирибсанми ҳалиям? - эркак кишининг дўқини эшитган Умиданинг бирдан кўзлари "ярқ" этиб очилиб, шоша-пиша юзини юва бошлади. Аввалига тушунмай турган эдим, Умиданинг орқасидан келиб оёғининг учи билан туртиб:

- Имиллама, итвачча, - деган Гулшаннинг эрини кўргач эса, ток тортиб олгандек бир сапчиб кетдим. Чуқур-чуқур нафас олиб, базўр тишимни-тишимга босиб турдим.

- Бор, кўчадаги арикдан сув олиб кел! - деди-да, ҳали уйқуси яхши очилмаган қизимнинг қўлига иккита челак тутқазди. Мен бетоқатланиб жойимдан бир туриб, бир ўтирарадим. Гулшаннинг эри инқиллаб-синқиллаб сув олиб кирган қизимнинг қўлидаги челакни кўрди-да, ерга қўйишни буюрди. Бошини ердан кўтармаганича челакни ерга қўйган қизимга:

- Нимага кеча ойингга кетамиз деб йиғладинг, мен сенга айтганман-а, агар бирорта гапимни етказсанг, яна қоронғи подвалга қамаб қўяман деб, а? - деди.

Қизимнинг зўрға "ҳа" деб бошни қимирлатганини кўриб, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

- Бор, бошқатдан сув олиб кел! - дея челакдаги сувларни бир тепиб, тўкиб юборди у. Шунда қизим:

- Чой ичволай, - деди қўрқа-писа.

- Чой?! Заҳарни ичасан, қани челакни кўтар! - деб унинг сочини чангаллаб бир итариб юборди.

- Ҳўвввв! Қўлингни торт! - деб бақириб юборибман қаерда ўтирганимни ҳам унутиб. Томдан қандай сакраб тушдим, қандай қилиб у эркакни бор кучим билан тепиб юбордим, эсимда йўқ. Бунга ҳам қаноат қилмай, жон-жаҳдим билан унинг дуч келган жойига мушт туширавердим. Бир маҳал кўйлагимни тортқилаб йиғлаётган қизимнинг "Дадажон!", "Дадажон!", дейишидан ўзимга келдим. Чўккалаб олиб, қизимни бағримга босиб, овутаяпману кўзларимдан оқаётган шашқатор ёшларни тиёлмасдим.

- Сиз билан кетаман, дадажон. Мени олиб кетинг, жон дадажон! Ҳамма ишларингизни қиламан, иш қилишни биламан, дадажон. Ойим биз билан кетмасалар ҳам майли, битта мени олиб кетинг, дадажон, - деб зорилларди қизим.

- Албатта олиб кетаман, жон қизим, мени кечир, сени қийнаб қўйган дадангни кечир, қизим, - дея қизимнинг юзкўзларидан ўпиб йиғлайвердим-йиғлайвердим. Оғзи-бурни қонга бўялган Гулшаннинг эрига қарамасдан, қизимни кўтардим-да, ҳовлидан чиқиб кетдим. Мана, бор гап шу, - деди-да, ухлаб ётган қизининг сочини силаб қўйди йигит.

Мен дунё ташвишини унутиб, дадасининг ёнида пишиллаб ухлаётган қизалоққа қараб, ачиниб кетдим.

Манзилга келгач, йигит ва қизалоқ билан хайрлашдим.

Ўшандан кейин анча вақтгача Азимжон, Гулшан, Умида тўғрисида эслаб юрдим. Яқинда Азимжон қўнғироқ қилиб, мен билан гаплашмоқчи эканлигини айтди... Мен уни кўриб, тўғриси, таний олмадим. Озиб кетган, кўзлари киртайиб, соқоллари ўсган, афтодаҳол бир ҳолда эди...

- Ўша кундан сўнг бир неча кун ўтиб, қизимни Гулшан келиб олиб кетди, - дея сўзлай бошлади Азимжон. - Қонун у тарафда эди-да. Мен Гулшанга қизимизнинг ҳаёти хавф остида эканлигини кўп уқтирдим, эшитгиси келмади, ишонмади ёки менга уйидаги аҳволни билдиргиси келмади.

Бир куни қайнимдан "тез етиб келинг" деган телеграмма олдиму учдим. Аввал қайнотамникига бордим. Борсам, уйларида ҳеч ким йўқ. Юрагим нохуш нарсани сезиб, оёғимни қўлимга олиб , Гулшанникига чопдим.

Ҳовлисига кириб борар эканман, уй хоналарининг биридан чиқиб келаётган Гулшанга кўзим тушди. У мени кўрди-ю, "Вой болааам!" деб баралла бақириб юборди...

Азимжон сочини чангаллаб, бошини эгилтирди. Кўзларидан оқаётган ёшларни яширмади.

- Умидамни тасодифан ток уриб...

Қизимнинг совуқ танасини кўриш ҳам насиб этмади. Умидамнинг қабрига бориб, тупроқларини юзимга суриб йиғлайвердим, йиғлайвердим... Опажон,- қизгинамнинг тасодифан ўлганига ишонмайман. Аммо буни исботлаб берадиган асосим йўқ...

Йигит гапираверди, йиғлайверди...

**Ўйламай босилган қадамининг азобини тортаётган, айни пайтда, аламзада бу йигитга таскин бердим. Аммо менинг сўзларим унинг дардини енгиллаштирармикан?**

**Анча вақтгача кўз олдимдан поездда дадасига қараб тўймаётган, худди уни ташлаб кетиб қоладигандек, қайта-қайта қучоқлаб, эркаланаётган қизалоқ кетмай қолди. Ким билсин, у ўзи билан қанча сиру асрорлар, дарду ҳасратларни олиб кетди экан...**

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

# ФОЛЧИГА ҚАТНАБ...

Мактабни тугатаётган йилимиз эди. Эндигина давлат имтиҳонларини топшириб, шаҳодатномани қўлга киритишдан олдинги ҳаяжонли кезлар... Шаҳодатномани олгач эса синфдошлар билан хайрлашув оқшомига тайёргарлик кўриш ташвишлари...

- Юр мен билан дўконга, бирор бир зўр мато олишим керак, танлашиб юбор, - деди Муниса исмли синфдошим мактабдан қайтарканмиз.

- Оқшомга кўйлак тиктирмоқчимисан?

- Э, Наргиз, қанақа оқшом? Бир кунда ўтиб кетадиган нарсага ҳам кўйлак эмиш... Мен бир умрлик нарсани мўлжаллаб юрсам-у, сен бўлсанг...

- Мунис, тушунтириб гапир, нимани мўлжаллаяпсан?

У қўлимдан тортқилаб, супермаркетга олиб кирди. Расталардаги кўзни қамаштирувчи хил-хил матолар нархлари ҳам хил-хил экан. Ажабланарлиси ҳам шу бўлиб чиқди: Муниса матонинг на рангига, на турига қарамас эди. Уни фақат нархлар қизиқтирар эди. Ўша куни юриб-юриб, охири кечга яқин нархи осмон антиқа бир матодан 3 метр харид қилдик. Мен ҳайратда эдим. Дугонам хонамга кириб, эшикни ёпганимиздан кейингина сумкадан ўша матони олиб, мамнуният билан уни аста силаб қўйди-да:

- Худо хоҳласа, энди ниятимга албатта етаман! - деди.

Ҳайратим янада ошди. Муниса сирли оҳангда менга қараб:

- Агар ҳеч кимга айтмасликка сўз берсанг, сенга бир сиримни очаман, - деди ва буни ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ичганимдан кейингина айта бошлади. Лекин бировга "чурқ" этадиган бўлсанг...

Аттанг, ўша қасамга шу вақтгача ҳечам ҳиёнат қилмаган эдим, ҳозир бундан афсусдаман. Ўша садоқатим туфайли Муниса ўз ҳаётини синдиришига йўл қўйибман. Тажрибали, ёши улуғ одам билан маслаҳат қилсам бўлмасмиди, ўшанда? Ҳозир эса бошқаларга ўрнак бўлиши учун ёзаяпман.

Дугонамнинг айтишича, бир фолчи бор экан. Бу фолчининг Мунисага нима алоқаси бор? Саволим Мунисанинг чеҳрасига маъюслик югуртирди:

- Жуда бор-да. Сенинг-ча, қайси ақл-ҳуши жойида бўлган йигит мендек қора ҳабашни хотин қилади?

- Ҳечам қора эмассан. Буғдой рангсан. Кўзларингни ҳеч ойнада кўрганмисан?

Негадир Муниса нигоҳини мендан олиб қочди. Сўнг титроқ овозда:

- Керак эмас, Наргиз, юпатма мени, - деди. - Онам мени хунук қилиб туққан. Мен бу гапга аллақачон кўникканман. Ўзинг биласан-ку, ҳамма синфдош қизларимизга лоақал битта одам бўлса-да, ошиқ бўлган, севги изҳор қилган... Менга бўлса шу вақтгача ит ҳам қайрилиб қарамади...

Қисқаси, Муниса ўша ўзи айтган фолчига аллақачон учраган экан. Фолчи у қизнинг "душманлари кўплигини", улардан бири унинг "йўлини ёпиб" ташлаганини, агар "қайтариқ" қилмаса, ишлари ҳечам юришмаслигини айтибди. "Йўлни очиш" учун эса етти хил мева билан бир кийимлик мато керак эмиш. Мато қанчалик тоза ва қимматбаҳо бўлса, қиз шунчалар бадавлат жойга келин бўлар эмиш... Бу гапга мен кулиб юбордим:

- Шунинг учун боя матонинг қимматини излаб юрган экансан-да! Ойдек қизсан, сенга ҳечам фолбиннинг ҳожати йўқ. Кўрасан, шундай шаҳзодага ёр бўлгинки, ҳамма лол қолсин!

...Чиндан ҳам ўша йилиёқ ёзда, Мунисага фотиҳа оши келди. Яна кимдан, денг? Эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Синфдошимиз Даврондан! Гап шундаки, Даврон синфимизда энг иқтидорли бола деб танилганди. Оғир, вазмин, ўта жиддий бола эди. Севги-муҳаббат мавзуларидан узоқ юрадиган, қизлар билан камгап бола эди. Унинг тўйини эшитиб, ҳамма, ҳатто устозлар ҳам ҳангу манг қолишди. Ўқиш қолиб уйланишга нега қарор қилганини ҳечам тушунолмадим. Ахир энди 17 га кирган бўлса... Лекин барибир август ойида тўй бўлиб ўтди. Кейин мен талаба бўлиб, ўқиш билан чалғиб кетдим. Келаси ёзда эса Даврон билан Муниса қиз фарзанд кўришди.




Бир куни тасодифан Мунисани кўчада учратиб қолдим. Уйга таклиф қилдим. Келди. Шунчаки эмас, бир дунё дард билан келди. Қизалоғига Муҳаббат деб исм қўйган экан. "Мен эришмаган муҳаббатга шуним эришсин", деди куюниб. Даврон билан ажрашишмаган бўлсалар ҳам, эри унга умуман бефарқ экан. Фақатгина... Муниса фолчининг ёрдами билангина эрини ушлаб турган эмиш... Муниса оиласида елиб-югуриб хизмат қилса ҳам, пардоз-андозни жойига қўйса ҳам, хушмуомала, ширинсўз бўлса ҳам, бари бир Давроннинг кўнглини юмшатолмаган экан. Фақатгина фолчига бориб, мунтазам "дам" солдирсагина...

- Ё, тавба! Энди нима қиласан, дугон?

- Э, нима қилсам, ҳаммасини ўзимга-ўзим қилдим. Эримга нима, хоҳлаган пайтида мени қўйиб, бошқасини олиши мумкин. Мен қўлимда бола билан қаерга бораман?

Бу энди 19 ёшни қарши олган қизнинг сўзлари... Ачинарлиси, синган фақат Мунисанинг ҳаёти эмас экан...

Синфимизда Шерзод исмли ўта шўх бола бор эди. Ерга урсанг, кўкка сакрайдиганлардан. Баҳолари зўрға "3"га етарди-ю, унинг парвойи фалак. Қизларга унинг дастидан тинчлик йўқ эди. Энг оғири Мунисага эди, чунки у Шерзодга партадош эди. 9-синфни битирса қутулармиз, десак, қайдам, ўн бирниям ўқийман, деб туриб олди. Оиласида ёлғиз ўғиллиги учун, ота-онаси уни тезда уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Келинни Тошкентдан топишди, кўрсангиз - қўғирчоқдек қиз. Тўйига барча синфдошларни Шерзод саман от миниб, куёв жўраси билан шахсан ўзи айтиб чиқди. Куёв жўраликка Даврон сайланган экан. Шоҳона тўй бўлди-ю, жанжал билан тугади... Туй бошланмасданоқ куёвнинг кайфи ошганлиги билиниб турар эди. Келин келгач ҳам Шерзод тинмай ичаверди. Даврон уни тўхтатмоқчи бўлди. Шунда ҳеч кутилмаганда куёв бола ҳаммага эшитарли қилиб:

- Қўлингни торт! - деб ўшқирди унга. - Қачондан бери менга ғамхўр бўлиб қолдинг?! Бахтимни тортиб олганинг кам эдими? Ахир мен Мунисани севардим. 7-синфдан бери севардим!!! Агар сен ўшанда бурнингни тиқмаганингда бунинг ўрнида (у келинни кўрсатди) менинг Мунисам ўтирган бўлар эди!!!

Даврон аввалига тошдек қотиб қолди. Кейин ҳеч нима демай ортига ўгирилди-ю, тўйхонадан чиқиб кетди. Шерзод бўлса, дастурхонни ноз-неъмати билан ерга ирғитиб, стол устига муккасидан тушиб: "Сени севаман, Муниса!" деб юм-юм йиғлади...

* * *

...Ана ўшандан кейин Даврон бутунлай ичкиликка берилиб, ота касби устачиликни ҳам ташлаб юборди. Шерзоднинг ҳаёти яхши. Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланади, эгизак фарзандлари бор, аёли Заҳро фаросатли, оқила аёл. Лекин агар ўшанда мато харид қилинаётганда мен Мунисани ўша йўлдан қайтарганимда эди, балки Шерзод ҳам, Муниса ҳам, Даврон ҳам минг карра бахтлироқ бўлармиди...

Илгарилари фол очиш, "одам ўқитиш" кабиларни шунчаки афсона деб билар эдим. Одамзод борки, келажакни билишга, тақдирига таъсир этишга доим интилган. Билсангиз, ёш-ёш қизчалар карта ёрдамида ё қўлга қараб, ёки бошқа йўл билан эртанги кунни олдиндан кўришга ҳаракат қилишади.

Мунисанинг воқеасидан кейин бу ҳақда кўп ўйланадиган бўлдим. Кўриб турганимиздек, ром, фол, иссиқ-совуқ Яратганнинг инъоми, дегувчилар қаттиқ янглишишади. Бу хулоса юқорида баён этилган ҳаётий воқеадан келиб чиққан, қолаверса, бу ҳаётда учрайдиган ягона тасодифий мисол эмас, бундай ҳодисалар кўп, балки ўзингиз ҳам гувоҳ бўлганингиз бордир. Иссиқ-совуқларнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги ҳақида муқаддас китоб орқали пайғамбарлар одамларни бундан 1000 йиллар олдин огоҳлантириб келишган.

Масалан, Мусо пайғамбар милоддан аввал бир минг беш юзинчи йиллардаёқ художўй ватандошларини фол, ром каби ғайритабиий хусусиятлар яратгандан эмас, ёвуз руҳлар томонидан кўрсатиладиган каромат эканлигига огоҳ этиб, худованди каримга душман бўлиб қолмаслик учун ҳушёр туришга даъват этган. Умуман, пайғамбарлар замонларида фолчилар ҳам, фолчиларга маслаҳатга борганлар-у, ёрдам сўраганлар ҳам халқ томонидан бирдек тошбўрон қилинган экан. Мен бунинг сабабини Мунисанинг ҳаётини таҳлил қилаётганимда чуқурроқ англадим. Дарҳақиқат, ҳалол яшаб, хушфеъллигимиз, оқ кўнгиллигимиз билан атрофдагиларнинг ҳурматига, севган инсонимизнинг муҳаббатига, ардоғига эришишимизга нима етсин?

**НАРГИЗАБОНУ**

# АРОҚ ИЧГАН ТОВУҚЛАР

**Қишлоқ ҳангомалари**

Бундан бир неча йил олдин ўқишга кираман, ўз жамғармам бўлсин, оиламизга оғирлигим тушмасин, дея етти хазинанинг бири ҳисобланган товуқ олиб кўпайтира бошладим. Тез орада очирган жўжаларим тухум қила бошлагандан сўнг рўзғордан ортганини сут-қатиқ билан бирга сотиб, тушган пулни шампан виносининг бўш идишида йиға бошладим. 100 сўм топсам ҳам "сейф"имга сола бошладим. Баҳор келиб товуқларим курк бўлди, баъзилари жўжа очиб болаларини кўз-кўз қилиб эргаштириб олиб юради. Бирам момиқ, оппоқ, жажжигина, ширингина эдики улар... Кўз тегмасин деб катак тепасига исириқ, кўзмунчоқ, қуритилган қалампир ҳам осиб қўйдим. Уларни санаб эрталаб сув, дон-дун берар, кечқурун ҳам санаб катагига солардим, уларни ҳеч кимга ишониб ташлаб қўймасдим. Қатиққа туз, қалампир, сирка, қирғичдан чиқарилган пиёз солиб, аралаштириб идишга солиб қўярдим. Онам кулиб:

- Вой-бў, чақалоқ боқишдан ҳам қийин экан-ку жўжа-товуқларни боқиш, - дердилар. Ана шундай кунларда ўлат - "парранда грипп"и тарқалди. Қишлоқда миш-миш гап:

-Фалончининг шунча товуғи ўлибди...

Эртасига Шаҳрисабзга бориб уларни эмлаш учун дори олиб келдим. Укам билан эрта тонгда туриб эмладик. Ҳар куни уларни диққат билан кузатаман. Атрофдаги қўшниларнинг товуғи қирилиб бўлди. Мендан ҳам сўраб қўйишади:

-Зебо, бойликларинг қандай?...

Қўрқиб, қопда турган исириқдан олиб, обдон майдаладим ва қозонга сув солиб эртасигача плитада узоқ қайнатдим. Сўнг 5 граммли шприцда олиб, товуқларнинг ҳаммасига мажбуран ичириб, оғзини очиб қўйдим. Эрталаб қарасам товуқларимнинг аҳволи анча яхши. Бир маҳал итимизнинг товуқ ғажиётганига кўзим тушиб қолди. Қарасам бегона товуқ экан. Кўнглимда: "Қўшнимиз ўлиб қолган товуғини ташлаган бўлса, итимиз олиб келиб еяпти", - деб ўйладиму, оғзидан тортиб олиб керосин сепиб, бошқа жойга олиб бориб ёқиб юбордим. Кейин отам усталарга деб яширган ароғидан биттасини олдим ва уни эски матога ўраб уйдагиларга:

-Мен товуқларга дори бераман, улар қичқирса эътибор бермангизлар, - дедим сезмасликлари учун. Онам:

-Ҳа, товуқларингни ичи аптека бўлиб кетди-я, бўлди энди, ҳеч нарса бермагин, - дедилар орқамдан.

Ичкари кириб, ароқни очиб ичига озроқ сирка ва майдаланган қалампир,туз солиб аралаштириб 2 граммли шприц билан тортиб олдим. Бирин-кетин товуқларни тутиб, оғзини очиб суюқликни шприц орқали юбора бошладим.

Охирги товуққа доримни ичириб чиқсам укам Бахтиёр:

- Опа, бойликларингиз у дунёга кетаяпти-ку, жанозасини ўқийверинг, - деб қолди. Ҳақиқатан ҳам ароқ ичган товуқлар бирин-кетин девор соясига бориб битта-битта ташлаяпти...

Аҳволни кўрган онам укамга: "Ҳаром ўлиб қолмасдан товуқларни сўя қолинглар, - деди. "Йўқ, менинг товуқларим ўлмаслиги, керак!" - дедим йиғлаб.

Онам:-"Нима дори бергандинг ўзи?" - дедилар ачиниб.

- Ароққа у-бу нарса аралаштириб бергандим, - дедим йиғлаб.

Шунда онам хандон отиб кулиб:

-Вой, қизим-эй! Унда улар маст бўлиб қолибди-да. Ҳозир бирпас ётиб, кейин "одам бўлиб қолишади", - дедилар бошимни оҳиста силаб. Одам ичса кўтаролмай ағдарилади-ку, бу-ку товуқ яна...

Дарҳақиқат, орадан бир оз ўтиб, улар "одам бўлиб қолишди". Шундай қилиб, қўлимдан келган тадбирларни қўллаб, товуқларимни ўлатдан сақлаб қолдим. "Товуқ-барака", - деб бежизга айтишмаган экан. Товуқларимни амаллаб кўпайтириб, "сейф"имни пулга тўлдириб, белимни бақувват қилиб, олийгоҳга ўқишга ҳам кириб олдим.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

Табобатнома



# МАЛИНА

## БУЛДУРҒУН

Булдурғун русчада «малина» номи билан машҳур ва маълумдир. Меваси қизил уруғли бўлиб, июндан то кузгача пишади. Унинг 700 тури бўлиб, баъзи мевалари сариқ, қизил, қора-тўқ, қизил бўлади. Меваси таркибида қандлар-глюкоза, фруктоза, сахароза, пектин моддалари, органик кислоталар - лимон, олма, шавел, салицил, чумоли, кумаринлар, пурин каби моддалар сақлайди. Шу билан бирга, дармондорилар: аскорбин кислота - С, А (провитамин), Е, ВС, $B_1$, $B_6$, $B_2$, $B_{15}$, ниоцин, биотин, макро ва микро маъданлардан калий, кальций, магний, натрий, олтингугурт, фосфор, алюмин, темир, кобальт, никел, рух кабилар жо бўлган. Малина тиббиётда узоқ вақтлардан буён ишлатиб келинади. Халқ табобатида қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси қўлланилади. Дамламаси иштаҳа очувчи, таом ҳазм қилишни яхшиловчи, терлатувчи, қон тўхтатувчи (меъда ичакдан), ўпка шамоллаганида балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида яхши наф келтиради. Янги меваси чанқовни босади, ошқозон (меъда) оғриғида фойда қилади. Малинанинг айниқса, болаларга нафи каттадир. Юқумли касалликка чалинган беморларга фойдали. Аъзои танадан касаллик келтириб чиқарувчи микроблар, заҳарли токсинларни тезда чиқаради.

Шуни ёдда тутиш керакки, малина билан шакар аралашмаси узоқ сақланганда унинг шифо берувчи ҳусусиятлари йўқолади. Шу боис шифо мақсадида қишга малина шарбатини шакар қўшмасдан ғамлаш керак. **Янги терилган малина меваларини узоқ муддат 2 йилгача музлатилган ёки қуритилган ҳолда сақлаш мумкин.**

Шуниси диққатга сазоворки, малина барглари, гуллари ҳам шифобахшдир.

Гуллари ва баргларини гуллаган пайтида, мевасини эса пишиб етилгандан сўнг терилади, илдизини эса кузда ковлаб олган маъқул.

Малина мевасининг терлатадиган, иссиқни туширадиган, оғриқни қолдирадиган хусусиятлари бор. Гуллари шамоллашнинг олдини олади. Баргларидан овқатни ҳазм қилдирувчи восита сифатида ишлатилади. Илдизидан тайёрланган дамламалар эса қон оқишини тўхтатади.

Баргларининг дамласи тери йиринглашида, нафас йўллари шамоллаганида, ларингитда наф келтиради.

***Малина меваси, барги, гули қуйидаги хасталикларда эм бўлади:***

**Стенокардияда:** 200 грамм малина мевасини 1 литр қайноқ сувга солиб, 8 дақиқа мобайнида қайнатилади. Сўнгра, бунга уч ош қошиқ асил асал қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамдан ҳар куни 3 маҳал 100 граммдан истеъмол қилинади.

**Холециститда:** тенг миқдорда бўймадорон, бўзноч гуллари, ялпиз олиниб, устига ярим литр қайноқ сув қўшиб, буғда 15 дақиқа мобайнида қайнатилади. Бунинг учун доривор ўтлар солинган идиш, қайнаб турган сувли идиш ичига 15 дақиқа қўйиб қўйилади. Совугач, дока орқали сузилади. Шу қайнатманинг 200 граммига 2 ош қошиқ асал, 6 қошиқ малина меваси солиб обдон аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамни ҳар куни таомдан олдин 100 мл.дан ичилади.

**Остеохондрозда:** 6 ош қошиқ малина меваси био литр қайноқ сувга солиниб, термосда 7-8 соат давомида дамлашга қўйиб қўйилади. Сўнгра бу дамламадан 100 мл.дан 4 маҳал ичилади.

Даволаш муддати - 20 кун.

**Қабзиятда:** Малина мевалари бир пиёладан тановвул қилинади. Сўнгра малинали дамламадан кунига 30 мл.дан 3 маҳал таомдан олдин ичилади.

**Камқонликда:** Эрталаб ва тушлик пайтида 30 грамм малина меваси янги қаймоқ билан қўшиб истеъмол қилинади.

**Қон кетганида, ич сурилганда:** 4 чой қошиқ обдон майдаланган малина қуруқ барглари ва меваларига 400 мл. қайноқ сув қуйилади. Икки соат мобайнида дамланади. Ҳар куни 4 маҳал ярим пиёладан ичилади.

**Шамоллаш, гриппда:** 4 ош қошиқ янги малина меваларини ёҳуд 2 ош қошиқ қуритилганига 250 мл. қайноқ сув қуйилиб, термосда дамланади. 20 дақиқадан сўнг илиқ ҳолида ҳар тўрт соатда ичилади.

➔ Малинанинг ёш новдаси олиниб майдалаб кесилади. 50 грамми устига 1 литр қайноқ сув қуйилади. Паст оловда 10 дақиқа қайнатиб олингач, асал қўшиб ичилади.

➔ Малинадан тайёрланган дамламани 1стакандан овқатдан сўнг кунига 2-3 маҳалдан ичилади. Шунингдек, буғланиш ҳам фойдали. Малина солинган қайноқ сув устига энгашиб бошни катта сочиқ билан ўраб ўтирилади.

➔ 2 ош қошиқ қуритилган ёки 100 грамм янги узилган меваси устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. 10-15 дақиқадан сўнг 1 ош қошиқ асал қўшилиб, уйқудан олдин терлатувчи восита сифатида ичилади.

**Иситмада:** 2 ош қошиқ қуритилган малина меваларига 200 мл. қайноқ сув қўйилади ва ярим соатга дамланади. 2 соат мобайнида илиқ ҳолида 2 пиёладан ичилади.

**Тери хасталикларида, панкреатитда:** 5 ош қошиқ майдаланган, қуруқ малина барглари 200 мл. қайноқ сувда дамланади. Сўнг, илиқ ҳолида томоқ ва оғиз бўшлиғи чайиб турилади.

**Томоқ оғриганда:** 2 ош қошиқ майдаланган (қуритилган ёки янги узилгани) барглари устига 2 стакан қайноқ сув қуйилади. 2 соат тиндиргач, сузиб олиб қайноқлигича ичиш ёки томоқни чайқаш мумкин.

**Ангинада:** 50 грамм қуритилган малина барглари устига 1 литр совуқ сув қуйилади. Туни билан тургач эрталаб усти ёпиқ идишда, паст оловга қўйиб 15 дақиқа қайнатиб олинади. Сўнг 5-6 соат тиндириб қўйгач сузиб олинади. Ушбу илиқ дамлама билан томоқни ҳар 2 соатда чайиб туриш тавсия этилади.

**Алкоголдан ичимликдан заҳарланишда:** Малина шарбатидан 1 стакан ичилса, заҳарланишнинг олдини олади.

**Аллергияда:** 2 ош қошиқ қуритилган малина гуллари устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб, 1 соат тиндириб қўйилади. Сузиб олиниб, кунига 3 маҳал, 1 ош қошиқдан ичилади.

**Ошқозон оғриса:** 1 стакан янги сиқиб олинган малина шарбати ичилса, оғриқни даволайди.

**Йирингли отитда:** Кузда йиғиб олинган малина илдизи ювилиб, майдалаб кесилади. 2-3 ош қошиқ илдиз устига 1 литр сув қуйилиб 12 соат тиндириб қўйилади. 1/2 стакандан кунига 2 маҳалдан 1 ой давомида ичилади. Бу вақт давомида яра тузалиб, ҳатто чандиғи ҳам қолмайди.

**Колитда:** 4 ош қошиқ малина барглари ёки меваси устига 2 стакан қайноқ сув қуйилиб 30 дақиқа дамлаб қўйилади. 1/2 стакандан кунига 4 маҳал, овқатдан олдин ичилади.

**Қизамиқда:** 2 ош қошиқ малина меваси устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. 1 соат давомида ўраб, дамлаб қўйилади. Сўнг чой ўрнига кунига бир неча марта ичилади.

**Қон кетганда:** 1 ош қошиқ ювилиб, майдаланган малина илдизлари устига 1 стакан сув қуйилади. Сўнг паст оловда 10 дақиқа қайнатиб олинади. 1 соат тиндириб қўйилади. Истеъмол қилишдан олдин сузиб олинади. 1/4 стакандан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ичилади.

**Хотира пасайганда:** Ҳар куни 1 стакандан малина шарбати ичилса хотирани мустаҳкамлайди.

**Иштаҳасизликда:** 2 чой қошиқ малина меваси устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. Аралашмани илиқ ҳолда кунига 4 маҳал, 1/2 стакандан ичилади.

**Юз терисидаги турли муаммоларда:**

**Ҳуснбузарда:** Суртма малҳам қўлланилади. Бунинг учун 1 қисм малина баргининг янги шираси олинади. Сўнгра, 4 қисм вазелин ёки сариёғ олиниб, обдон аралаштирилади. Тайёр бўлгач, озорланган жойга суртилади.

➔ Малина гули дамламаси билан **ҳуснбузар** ва **йирингли тошмалар** тошган юз териси ювилса, тузатади.

➔ Ҳар куни эрталаб малина меваси билан юз териси ишқаланса, тетиклаштириб, **озиқлантиради.**

➔ Сершарбат малина мевасини эзиб, икки буклонган докага солингач, юзга компресс қилинса, юз терисини **оқартиради.** Шунингдек, ҳуснбузарлар тошган ёғли терига яхши таъсир қилади.

➔ 1 чой қошиқдан қуритилган малина барги, наъматак гулидан (шиповник), 2 ош қошиқ тирноқгул (календула) олиниб, 3 стакан қайнаётган сувга солинади. 1-2 дақиқадан сўнг дарҳол олинади. Сувни сузиб олиб, коньяк қўшилгач, истеъмол қилинади. Сузгандан қолган қисмига тенг миқдорда асал қўшиб ейилади.

**УНУТМАНГ:** ***неврит, подагра хасталигига чалинган беморларга малина мевасини тановвул қилиш тавсия этилмайди. Чунки, мевасида пурин моддаси бор. Шу билан бирга меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор кишиларга ҳам малина мевасини истеъмол қилиши тавсия этилмайди.***

**М.МИРЗАШАРИПОВ ва ҲАМИДА тайёрлашди.**

## ДАФНА—ЛАВР БАРГЛАРИ БИЛАН...

***Барча таомларга ўзига хос таъм берадиган лавр барглари кўп касалликларга даводир.***

### ҚУЛОҚ ОҒРИГАНДА

2 ош қошиқ майдаланган лавр-дафна барглари устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 2 соат тиндириб қўйилади. Сузиб олгач, қулоқ тешигини яхшилаб тозалаб, шу дамламадан 2-3 томчи томизинг. Сўнг қулоқ тешигига пахта тиқиб қўйинг. Муолажани кунига 2-3 маҳал бажарсангиз, оғриқ тўхтайди.

### АНГИНАДА

5 дона лавр баргини майдалаб, устига 0,5 литр қайноқ сув қуйинг. 3 дақиқа паст оловда қайнатгач,сузиб олинг-да, томоқни ҳар ярим соатда чайинг.

### ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАСА

Лавр барги билан лимонўтни тенг миқдорда аралаштириб, 1 чой қошиғини олинг-да, устига 1 стакан қайноқ сув қуйинг. Бу аралашмани жиғилдон қайнаганда оз-оздан ичасиз.

### ТУЗЛАРНИ ЙЎҚОТИШДА

1 ош қошиқ майдаланган лавр барги устига 1,5 стакан қайноқ сув қуйилиб, паст оловда 5 дақиқа қайнатилади. Сўнг термосга қуйилиб; 5 соат дамлаб қўйилади. Сузиб олгач кун бўйи оз-оздан ичилади. Муолажа муддати 3 кун.

### БОДГА ҚАРШИ

0,5 стакан майдаланган лавр барглари устига 1 стакан ўсимлик ёғи қуйинг. У илиқ жойда 10 кун туриши керак. Сузиб олгач оғриётган бўғинларга сурилиб, енгил уқаланади. Ушбу лавр ёғини узоқ вақт битмаётган ва ётоқ яраларига сурилса тез тузатади.



### ТЕРЛАГАНДА

20-30 дона лавр барги устига 0,5 литр қайноқ сув қуйилади, бироз тургач сузиб олинади. Бу дамлама қўлтиқ остига сурилади. Ушбу дамлама билан оёқлар ванна қилинса терлашни йўқотади.

### ҚАНД КАСАЛИ БЎЛСА

10 дона лавр барги устига 3 стакан қайноқ сув қуйилиб, 2-3 соат ўраб қўйилади. Бу дамламани кунига 3 маҳал 1/3 стакандан ичилади.

### БАВОСИЛДА (ГЕМОРРОЙ)

8-10 дона лавр барги устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб тиндирилгач, компресс қилинса, тузатади.

### ШИШНИ ДАВОЛАЙДИ

5 дона янчилган лавр барги устига 100 грамм нашатир спирти қуйилиб, қоронғи жойга қўйилади. То жигарранг тусга киргунча сақланади. Кейин оёқдаги шишларга сурилади.

Oila va jamiyat
№ 24 (815) 14 июн — 20 июн 2007 йил
Оила ва жамият


# ХУШБЎЙ ВА ФОЙДАЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

***Ошкўкатлар бизни нафақат баҳор ёки ёзда, балки қаҳратон қишда - тузлама банкаларни очганимизда ўзининг антиқа бўй таратиши билан хурсанд қилади. Эътиборингизни ана шу ажойиб кўкатларнинг даволаш хусусиятларига қаратамиз.***

## СЕЛЬДЕР



**Сельдер**дан қадимда Тибет, Ҳиндистон ва Хитой табобатида саратон касаллигини даволашда ишлатилган. Бу ўсимлик барра ҳолида ҳам, қуритилган ҳолида ҳам буйрак фаолияти ва қон айланишида яхши фойда бериши қайд этилган. Ибн Сино сельдер уруғи ошқозон ишини яхшилашини алоҳида таъкидлаган. Мускуллар қисилиб қолишининг олдини олади, организмнинг умумий тонуси- ҳаётий фаолликни кўтариш, артериал қон босимини туширишда яхши наф беради. Шунингдек, сельдер озишни орзу қилиб юрганлар учун жуда яхши воситадир.

**Доривор суюқлик:**

➔ Майдаланган сельдер илдизига бир литр қайнаган сув қуйиб, 8 соат тиндирилади. Кунига 3-4 маҳал, 1-2 стакандан ичиш тавсия этилади. Уни бўғимлар оғриганда, буйрак яллиғланганда, простата безлар шамоллаганда, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, сурункали ичак яллиғланиши ва қорин дам бўлишида ичилса яхши наф беради.

### ҚАНД КАСАЛЛИГИДА

➔ 20 г. сельдер ўсимлиги ва уруғи устига 200 мл. сув қуйиб, 15 дақиқа қайнатиш, сўнг докада сузиб олиб, яна 15 дақиқа қайнатиш керак. Кунига 3-4 маҳал 2-3 ош қошиқдан ичилади.

### АЛЛЕРГИЯДА

➔ Бир неча сиқим сельдерни қиймалагичдан ўтказиб, суви олинади. 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳал, овқатланишдан ярим соат аввал ичилади.

### СИЙДИК ҲАЙДАШДА

➔ 2 ош қошиқ сельдер ўти ва илдизини 300 мл. қайнаган сувга соламиз. Бир соат давомида тиндирилади. Докадан сузиб олиб, ҳар куни 3 маҳал 1/3 стакандан ичилади.

### ЦИСТИТДА

➔ Асал ва сельдер уруғи тенг миқдорда олиниб кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

### РЕВМАТИЗМДА

➔ Сельдер ва сабзи сувини(300 мл. сельдер ва 700 мл. сабзи суви) аралаштириб ичиш керак.

➔ 100 гр. сельдерни илдизи билан олиб, унга сув қуйиб ва бу суюқлик 1 стакан қолгунча қайнатилаверади. Тиндирилиб, кунига 3 маҳал ичилади. Ҳар куни янги қайнатма тайёрлаб, мунтазам равишда ичиб борилса, оғриқлар ўтиб кетади.

### СОВУҚ ОЛДИРГАНДА

➔ Совуқ олдирганда 1,5 кг. сельдерни 1 литр сувда қайнатиб, совутиб, бу дамламага совуққотган панжа ва товонни соламиз ва сув совугунча турамиз. Кейин панжа ва товонни совуқ сувга соламиз. Сўнгра ғоз ёғи билан яхшилаб артамиз. Бу муолажани 10 кун давомида, ҳар куни кечқурун қилиш керак.

### ҲАЙЗ ДАВРИ ОҒРИҚЛАРИДА

➔ Сельдер сувини 1/3 стакандан, кунига 2 марта, овқатдан ярим соат олдин ва овқатдан бир соат кейин ичиш тавсия этилади.

### ОСТЕОХОНДРОЗДА

➔ Сельдер илдизи сувини кунига 2-3 маҳал, 1 чой қошиқдан ичиш лозим.

### ИШТАҲАСИЗЛИКДА

➔ Овқатдан ярим соат олдин 1 чой қошиқ сельдер шарбатини ичиш тавсия этилади.

### УЙҚУСИЗЛИКДА

➔ 30 грамм сельдер илдизи устига 1 литр қайноқ сув қуйилиб, 8 соат дамлаб қўйилади. Сузиб олингач, кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

### ПОДАГРАДА

➔ 1 ош қошиқ янги сельдер барглари устига 2 стакан қайноқ сув қуйилади. 4 соат ўраб қўйилади. Сузиб олиб, кунига 3-4 маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

➔ Сельдернинг янги узилган баргларидан шарбат тайёрлаб, кунига 2-3 маҳал, 1-2 чой қошиқдан ичилади.

### ЯРА ВА ЛАТ ЕГАН ЖОЙЛАРНИ ТУЗАТИШДА

➔ Туз қўшилмаган сарёғни сельдер баргларига суриб, жароҳат жойига қўйилади.

### ЖИНСИЙ ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

Сельдер шарбати - умумий соғломлаштирувчи воситадир. Бу ичимлик ўз ҳолича ҳам, бошқа сабзавот шарбатлари билан биргаликда истеъмол қилинса ҳам фойдалидир. Сув билан ёки бошқа сабзавотлар суви билан тенгма-тенг аралаштирилган сельдер шарбатидан бир ой давомида кунига 1/3 стакандан ичиб туриш лозим. Бу сийдик пуфаги ва сийдик чиқариш йўллари шамоллашини даволашда яхши наф бериши исботланган.

Сельдер, айниқса, эркаклар учун жуда фойдали эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Руҳий ва жисмоний тушкунлик, чарчоқ баъзи бир эркаклар эҳтиросини сусайтириши мумкин. Бу ҳолларда сельдер суви жуда яхши ёрдам беради.

➔ 100г. майдаланган барра сельдер илдизини 1 л. қизил вино (масалан, кагор) га қуйиб, қайнаш даражасигача олиб борилади, аммо қайнатилмайди. Паст оловда 15 дақиқа тутиб турилади. Бир ҳафта иссиқ жойда сақлаб, сўнгра ҳар куни 3 маҳал, овқатдан ярим соат олдин 50 мл. дан ичиш тавсия этилади.

Тайёрланган ичимлик "юракдаги ўчган оловни қайта ёндиради". Бу - эркакларнинг жинсий фаоллигини оширишда энг афзал маҳсулот ҳисобланади.



## ШИВИТ



Хушбўйлик ва хуштаъмлик бўйича кенг тарқалган кўкатлар сирасига **ШИВИТ** ҳам киради. У ўзининг ана шу хусусиятлари билан ошхонада ўз ўрнига эга, бу ўсимлик таркибида фитонцид моддаси борлиги учун, тузламалар ва консерваларни айниб қолишдан сақлайди. Дарвоқе, уруғини ҳар икки ҳафтада экиб туриб, ёз давомида барра шивит ейиш мумкин.

Шивит ўзининг даволовчи хусусияти билан ҳам аҳамиятлидир. Қадимги мисрликлар қон томирларини мустаҳкамлаш учун шивитни тавсия қилишган. Ўрта асрларда Европада шивитдан йўталда, ошқозон касалликларида фойдаланишган.

**Қон босими, юрак оғриғи ва кўз муаммоларида** 3 ош қошиқ қуритиб майдаланган шивит кукунининг устига 250 мл. сув қуйиб, бир соат тиндирилади. Совугач, қон босими ошганда бир кунда 3 маҳал 1/2 стакандан, юрак етишмовчилигида эса 1/3 стакан ичиш лозим. Ушбу қайнатмани кўз шамоллаганда ҳам ишлатса бўлади.



### ШИВИТЛИ СУВ

Қон босими паст кишиларга овқатга шивитни кам ишлатишни маслаҳат берамиз. Қон босими бор кишиларга: "Марҳамат қилиб шивит енг!", - дейиш мумкин. Асаб касалликлари борларга ҳам шундай маслаҳат берамиз. Сабаби шивит асабларни тинчлантириб, уйқусизликда яхши наф беради. Бу ўсимликдан энг оддий дори тайёрлаш мумкин, бу- шивитли сувдир. Бу дори бир вақтнинг ўзида ҳар хил касалликларни даволаш хусусиятига эга - тинчлантирувчи, ел ҳайдовчи ҳамда овқат ҳазм қилишни табиий фаоллаштирувчидир.

Тайёрлаш усули: 2 чой қошиқ майдаланган шивит уруғининг устига 2 стакан қайнаган сув қуйиб, усти яхшилаб бекиладиган идишга солиб, 10 дақиқа қўямиз. Кунига уч маҳал, овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан ичиш керак.

### АСАБ КАСАЛЛИГИДА

➔ 1 ош қошиқ шивит уруғининг устига 0,5 литр қайнаган сув қуйиб, сўнгра совутиб, 1/3 стакандан ичилади.

### БОШ ОҒРИГАНДА

➔ 2 ош қошиқ қуритиб майдаланган шивит кукунининг устига 0,5 литр қайнаган сув қуйиб, бир соат тиндирилади. Бир кунда 3 маҳал, 1 стакандан ичиш лозим. Ушбу қайнатмани кўз шамоллаганда ҳам ишлатса бўлади.

### СИЙДИК ТУТОЛМАСЛИКДА

➔ 1 ош қошиқ шивит уруғини 1 стакан қайнаган сувга соламиз. 2-3 соат иссиқ жойда сақланиб, тайёрланган дамламани бир марта ичиш тавсия этилади.

### СИЙДИК ЧИҚАРИШ ТИЗИМИ ХАСТАЛИГИДА

➔ 2 ош қошиқ шивит уруғи устига 2 стакан қайноқ сув қуйилади. Паст оловда 15 дақиқа қайнатгач, сузиб олинади. Илиқ дамламани кунига 4 маҳал, 1/2 стакандан ичилади. Даволаш муддати 2-3 ҳафта.

### ОНА СУТИ КАМ БЎЛСА

**а).** Шивит уруғидан бир қисм, қичитқи ўтдан, донниқдан бир қисмдан олиб аралашма тайёрланади. Ундан 2 ош қошиқ олиниб, устига 1 литр сув солинади ва қайнаш даражасигача олиб борилади, 1 соат давомида тиндирилади. Кунига 1/2 стакандан, 2-3 маҳал ичилади.

**б).** 1 ош қошиқ қуритилган шивит устига 1 стакан қайноқ сут қуйилади. Совугач сузиб олинади-да, болани эмизишдан 1 соат олдин 1/2 стакандан ичилади.

**в).** Шивит билан лимонўтни тенг миқдорда аралаштирилади. Сўнг 20 грамми олиниб устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. 2 соат тургандан сўнг 0,5 стакандан ичилади.

### ШИШ ПАЙДО БЎЛГАНДА

➔ 1/2 стакан майдаланган шивит устига 5 стакан сув қуйилиб, паст оловда қайнатилади. Совутиб, сузиб олинади. Кунига 3 маҳал 1/2 стакандан истеъмол қилинади.

### УЙҚУСИЗЛИКДА

➔ 1-2 ош қошиқ майдаланган шивит устига 0,5 л. қайнаган сув қуйиб, 2 соат тиндирилади. Ушбу малҳамни бир кунда 3-4 марта ичиш керак.

### ҚОРИН ДАМ БЎЛГАНДА

➔ 1 ош қошиқ майдаланган шивит уруғини 1 стакан қайнаган сувга солиб, 20-30 дақиқа дамлаб қўйилади. Кунига 1/3 - 1/3 стакандан 3 маҳал, овқатдан ярим соат олдин ичилади.

### ХОТИРА СУСАЙГАНДА

➔ 1 ош қошиқ шивит уруғини 1 стакан қайнатилган сувга солиб, кунига 1-2 ош қошиқдан, 4 маҳал ичилади.

### БРОНХИТДА

➔ Шивит уруғини 1 ош қошиқдан 2 стакан қайнаган сувга солиб, тиндирилади. Ҳар куни 1 ош қошиқдан, 4 маҳал ичилади.

### ГРИППДА

➔ Бу касалликда шивит уруғини чайнаш тавсия этилади.

### ҲИҚИЧОҚ ТУТИБ ҚОЛГАНДА

➔ 1 чой қошиқ шивит уруғини 1 стакан қайнаган сувга солиб, 30 дақиқа тиндирилади. Кунига 1/3 стакандан, 3 маҳал ичилади.

### АЛЛЕРГИК ДЕРМАТИТДА

➔ Янги шивитнинг шарбатини сиқиб олиб, 1:2 миқдорида сув билан аралаштириб, терига компресс қилинади.

**ЭСДА ТУТИНГ!** *Қон босими паст кишилар шивит сувини меъёридан ортиқ ичмаслиги керак.*

**ХУЛКАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.**




**245** **Ёшим 26 да.** Асли самарқандликман. Уйланмаганман. Ҳозир Тошкентда яшайман. Ўзимнинг сердаромад бизнесим бор. Ота-онам йўқ.Оилани таъминлай оламан. 25 ёшгача бўлган, ақлли, тошкентлик қиз билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Шоҳжаҳон**

**246** **Ёшим 27 да.** Қашқадарёликман. Тошкентдаги турк қўшма корхонасида мебел ясайдиган уста бўлиб ишлайман. Уйланмаганман. Ичмайман, чекмайман. 27 ёшгача бўлган, ақлли, одобли, (қайси вилоятдан бўлса ҳам майли), хушмуомала, кўркам қиз билан танишиб, уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Даллер**

**247** **66 ёшдаман.** Тошкентликман, ўғлим билан яшайман. Уй-жойим бор. Моддий таъминланганман. Аёлим вафот этган. Эркак киши учун ёлғизлик қийин экан. 60 ёшгача бўлган, оғир-вазмин, тушунган ва оқила тошкентлик аёл билан танишиб, умргузаронлик қилсам дейман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Асқарали ота**

**248** **Ёшим 66 да.** Аёлим оламдан ўтган. Фарзандларим билан яшайман. Моддий томондан таъминланганман. 60 ёшгача бўлган, оқила, ёлғиз бир аёл бўлса овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**

**Бобур ота**

**249** **Ёшим 23 да.** Яхши жойда ишлайман. Ўз уйим бор. Мустақил рўзғор тебрата оламан. 23 ёшгача бўлган, тошкентлик ёки вилоятлик қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Қисмат**

**250** **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Фарзандим йўқ. 46 ёшгача бўлган, ишлайдиган, кўркам, олий маълумотли тошкентлик йигитга турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Насиба**

**251** **Ёшим 60 да.** Тошкентликман. Аёлим вафот этган. Бефарзандман. Ёлғиз яшайман. 60 ёшгача бўлган, менга турмушга чиқадиган аёлга мол-мулкимни мерос қилиб қолдираман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Исмоил**

**252** **Ёшим 29 да.** Ажрашганман. 29 ёшгача бўлган, ажрашган (Бир кичик боласи бўлса майли), аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Баҳодир**

**БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50**

**Турмуш сабоқлари**

# БЎЙНИМДАГИ ҚАРЗ

Онам вафот этганларига етти йил бўлди. Ҳар йили онам вафот этган кун барча ўғил-қизлар жам бўламиз. Онамни хотирлаймиз. Бугун ҳам опа-сингиллар, ўғил-қизлар онамнинг биз учун ғоятда табаррук бўлган уйларида жам бўлдик. Келинимиз катта уйга жой қилиб, дастурхонни ноз-неъматлар билан тўлдириб қўйган. Энди бир пиёладан чой ичаётсак, рўпарадаги ҳовлидан маҳзун нидо билан йиғи овози эшитилди. Этларим жимирлаб кетди. Юрагим бежо уриб, бир-биримизга аланг-жаланг қараб қолдик. Йиғи овози тобора юракларга келиб қадала бошлади.

- Тинчликми, нима гап? - сўрадим укамнинг хотинидан.

- Куни кеча Содиқ амаким бандаликни бажо келтирдилар, - деди у кўзи жиққа ёшга тўлиб.

- Вой! Содиқ ака-я! Нега?

Бир зумда барчамиз оғир, зилдек изтиробли ҳолда қолдик. Ўлимнинг ҳақлигини, бу омонат дунёда барчамиз ҳам меҳмон эканлигимизни билсак ҳам асло тан ололмай карахт эдик. Содиқ ака оиламизнинг, айниқса онамнинг энг яқин одами, туғишган жигаридан ҳам яқинроқ қадрли эди.



...Онам бу ҳовлига янги кўчиб келиб, иморат қурилаётганда ҳали ўртадаги девор йўқ эди. Ҳар икки ҳовли бир-бирига туташиб турар, теварак-атроф бўм-бўш, колхознинг шудгорланган ерлари эди. Содиқ акалар уйида ҳам, онамнинг уйида ҳам бир неча ўнлаб уста, мардикорлар ишлар, ҳар икки хонадон ошхонаси бир жойда, бирга овқат қилинар, чой, ош - бари ўртада эди.

Катта уй, айвонлар ҳали битмаган, том усти ёпилмаган, ўтиришга жой йўқ, ёзнинг жазирама иссиғида қийин кунлар бошланди. Ҳовли саҳни қум, ғишт, тахталар билан тўлиб ётар, ичимлик суви ҳам икки бекат наридан ташиб келинарди. Шунда онамга уста амаким кичкинагина «времянка» уй қуриб бердилар. Шу «времянка»да жон сақлаб ёз ўтди. 1966 йилги зилзиладан сўнг Хадра даҳаси «Дегрез» маҳалласининг гавжум аҳолиси ёппасига шу томонларга кўчиб кела бошлади. Кимдир ғишт туширган, кимдир тахта қидирган, кимдир шағал, тупроқ савдолашган, тўсинлар нархи ошиб кетган талотўп бесаранжом кунлар эди. Шундай кунларда участка қуришни бошлаган укам шамоллади-ю, бетоб бўлиб ётиб қолди. Уни касалхонага ётқизишга тўғри келди. Онам усталарга бир қозон овқатни пишириб берадилар-да, сўнг касалхонага укамни кўргани борадилар. Иложи бўлса бир кунда икки марталаб ҳам бориб турдилар. Шифокорларнинг ташхис натижаси шу бўлдики, укам узоқ Камчатка ўлкасида ҳарбий хизматни ўташ даврида ўпкасини шамоллатиб қўйган. Тунда навбатчиликда турганда 42 даражали совуқда тонгга қадар қолиб кетган. Укам ёш, энди икки фарзандли бўлган, оламжаҳон орзу-умидлар билан иморат солишни бошлаган эди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, кеч кузнинг изғиринли совуқ кунларида навқирон ёшида укам оламдан ўтди. Гулдек чиройли, ёшгина хотини, икки гўдаги бир ёнда, бутун ҳаётини шу ўғилга тиккан муштипар онам бир ёнда ҳеч тасвирлаб бўлмас оғир, аянчли аҳволда қолдилар. Уй қурилиши вақтинча бўлса ҳам тўхтади. Эгасиз қолган иморат кимнинг ҳам кўнглига сиғарди. Укамнинг икки гўдагини бағрига босиб онам кеча-кундуз «дод» солиб йиғлар, айрилиқ азобини юраги кўтаролмай қон босими ошиб кетди, ўзи муштдек бўлиб чўкиб қолди. Бу хонадонда шодумонлик ўрнини ночорлик эгаллади. Онам кекса, хотини ишламайди, укамнинг топганига қаноат қилиб яшашмоқда эди. Икки акамиз ҳам ўз иморатларини тиклаш, камкўстларни тўлдириш учун елиб-югуриб ишлаб юришарди. Бир куни ён қўшни Содиқ ака онамнинг ёнига чиқди.

- Она, - деди у оғир-вазминлик билан, - Оллоҳнинг иродаси шундай экан, кўнмай иложимиз йўқ. Абдурасул бу дунёга сиғмади. Худо хоҳласа шу икки фарзанди Абдурасулнинг чироғини ёқиб ўтиради, унинг ҳаётининг давомчилари бор, шунисига шукр қилинг. Она, мени ўғлим деб қабул қиласиз. Сизни онам, дедим. Онажон, мени ўғлим денг.

Онам пиқ-пиқ йиғлаб, бир сўз деёлмади, фақат Содиқ акага термулган кўзларида мамнунлик, миннатдорлик ифодаси бор эди. У онамнинг ҳузуридан чиқиб кетар экан, кўрпача қатига бир даста пул қистирди. Эртасига келин шу пулларга бозор-ўчар қилиб келди. Тонгда эса ноуштага хотини иссиққина қатлама билан болаларга сут олиб чиқди. Онам хижолат бўлиб, бир неча марта: «Қўйинг, ўғлим, ўзингизда ҳам бир этак бола, иморат қураяпсиз, бу харажатларнинг ўзи бўлмайди, тушунаман», - дедилар.

Аммо Содиқ ака: «Сиз дуо қилсангиз бўлди, ҳаммасининг ризқига яраша Оллоҳ беради, сира ўйламанг»,- деди. Ўртада девор бўлмагани учун Содиқ ака ишдан қайтишда бизнинг ҳовлидан ўтади. Тўғри, «времянка»га кириб онамга салом беради, ҳол-аҳвол сўрайди, кичкинтойларни тиззасига ўтқазиб эркалайди, чиқиб кетишида онамга кўрсатмасдан секингина хонтахта тагига тўрт юмалоқ чой ва қанд қўйиб кетади. Ҳафта ўтмай, хотини онамга рўмол ва кўйлаклик мато, икки қизга тайёр тикилган кўйлак, ширинликлар, қуйилтирилган сут, сариёғ ва алланималарни олиб чиқди. «Содиғингиз сизга бердилар, ойижон, дуо қилар экансиз», - деди.

Ой, кунлар ўтаверди. Аста-секин иморатлар қад тиклади. Ҳар қандай дард давоси - вақт. Аммо Содиқ ака садоқати асло сусаймади. Ишдан қайтгач, хотинига: «Чойни у ёққа олиб чиқ», - дейди-да, чой баҳона онам билан узоқ суҳбатлашиб ўтиради. «Барака топсин, бу йигит - тилла экан, олтин экан, чин ўғиллик қилди», - деб онам алқагани-алқаган.

Акаларим ҳам хабар олиб туришди. Уй тикланишига, таъмирлаш ишларига бош-қош бўлишди. Содиқ акага: «Қўйинг, энди. Бизни уялтириб қўяяпсиз. Сиздан жуда миннатдормиз», - деб айтишди.

Ҳаёт ўз изида давом этаверди. Бир куни келсам, келиним Содиқ аканинг бетоб эканлигини айтиб қолди. Энди ўртага девор урилган. Узун кўчанинг нариги бошидан кириб бориладиган йўл тескари бўлиб қолган. «Мен чиқиб, кўриб келишим керак»,-дедим ўзимга-ўзим. - Онамга озмунча яхшиликлар қилганми?» Аммо кетишга шошиб турганим учун, «янаги гал келганимда кўриб чиқаман», деб аҳд қилдим. Мана, онамнинг вафотига етти йил тўлди. Кўнглимда шу одамни кўриб чиқсам, рози қилсам, онамга қилган яхшиликларини асло унутмаслигимни билдирсам, дейман-у, ҳали у иш чиқади, ҳали бу нарса бўлади... Ё қунт қилмадимми, нимадир мени чалғитди. Янаги сафар келганимда албатта кўриб чиқаман, дейман-у, шошиб кетиб қоламан.

Мана, бугун келганимда бу хабарни эшитиб турибман... Содиқ ака руҳи олдида айбдор одамдек виждоним қийналиб қолди. «Янаги сафар» деб галга солмай чиқсам, кўриб келсам бир жойим камайиб қолармиди?! Шундай жаннатмакон инсонга сажда қилсам кам-ку! Онамнинг бошига мусибат тушганда кўнглини кўтарган, тоғдай суянчиқ бўлган: «Мени ўғлим деб қабул қилинг», деб ўғиллик меҳр-мурувватини аямаган, сахий ва танти инсон олдида қарзимни узолмаганим учун ўзимни кечиролмай алам билан узоқ йиғладим. Чоғроққина хонасининг тўрида оқ яктак кийган, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, истараси иссиқ инсон - онамнинг ўғли, менинг оғам Содиқ аканинг сурати осиғлиқ турарди. Бир кўзим тушди-ю, қайтиб қаролмадим. Юзи куйган, айбдор одамдек ерга боқдим.

«Оғир кунда онамни суяб қолган қадрдон оғам мени кечиринг! Руҳингиз олдида гуноҳкорман», деган сўз кечди қалбимдан. Узилмаган қарз наҳотки бир умр елкамни зилдек оғир юк бўлиб эзиб юрса?.. Қай йўл билан бу қарздан қутулсам бўларкин? Йўли бормикан?

**Муҳаббат ТУРОБОВА**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 532. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13316
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **М. ШУКУРОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
1 2 3 4 5